VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

28 (37) 2009 йил 8 июль, чоршанба • Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Мустақиллик ёшлар нигоҳида

Ёшлар мамлакат келажаги, унинг нурли истиқболини белгилаб берадиган қудратли кучдир. Шу боисдан, мустақиллик йилларида ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг онгу шуурига инсоний туйғуларни сингдириш, она Ватанимизга муҳаббат, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

➔ 3-бет



Ёшлар миллат таянчи

Термиз Давлат университети қошидаги 1-сон Термиз академик лицейи Сурхондарё вилоятидаги энг кўзга кўринган таълим масканлари қаторидан ўрин олган.

➔ 6-бет



Саккизинчи мўъжиза — Ватан

Замонлар ўзгараяпти, дунёга янги авлодлар келаяпти, лекин беадад шукурки, инсоният яратувчанлик ва бунёдкорлик ишидан бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Олдда турган минг йилликда инсоният қандай мўъжизалар яратишини тасаввур қилишимиз мушкул.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 2-бет
Ишонч ва масъулият
Камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Жамиятда партия ролини ошириш
Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги
Хотира турнири
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Иноқ маҳалла
Ижтимоий ҳамкорлик
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Зиёлилик масъулияти
Фан ютуқлари ва тиббиёт ривожи
Кенг қамровли тадқиқот
ЖАРАЁН 6-бет
Қишлоқда интернет хизмати
Қоғозда йўқ ақчалар
Янги ҳамкорлар танланди
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Реклама қайта ҳикоя қилинган воқелик
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
Нурота чашмаси
Турфа олам

КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

унда Мустақилликнинг 18 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ЎзМТДП фракцияси олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.

(Давоми 2-бетда)







МУНОСАБАТ

Маънавияти юксак юртдагина адабиёт ўзининг янги уфқларини кашф этади, ижод қадр топади, қалам аҳлига меҳр ва эътибор кўрсатилади. Куни кеча Ёзувчилар уюшмаси фаоллар йиғинида муҳтарам Президентимизнинг адабиёт ҳақида билдирган фикрлари ва ижод аҳлига қарата айтган гапларини эшитиб, жамики ижодкорлар қаторида мен ҳам бениҳоя тўлқинландим.

Юксак ишонч ва эътибор

Мирпўлат МИРЗО,
шоир, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири

Жумладан, унда шундай дейилади: “Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса-миллат яшайди”.

Мазкур гаплар замирига теранроқ назар солсак, қалам аҳлига бўлган бу ишонч, узоқ вақт давомида кўнгилга тугиб келинганлигини пайқаш қийин эмас.

(Давоми 5-бетда)

АКЦИЯ

Соғлом турмуш тарзи учун

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида “Биз соғлом турмуш тарзи учун, биз билан бирга бўл!” деб номланган ёшлар ижтимоий акцияси бўлиб ўтди.

Соғлом турмуш тарзи жисмоний ва маънавий баркамоллик гаровидир. Шу маънода юртимизда кўплаб амалий ва самарали ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган соғлом ёшлар лойиҳаси ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Бобур боғида ўтказилган мазкур акцияда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган икки мингдан ортиқ иштирокчилар спорт ва турли интеллектуал ўйинлар ҳамда тестлар орқали ОИВ ва ОИТС ҳақидаги билимлари ва тушунчаларини синовдан ўтказишди.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 18-ОДИМИ

Муқаддас бурч ва масъулият

уҳар биримизнинг мустақиллик жараёнига қўшган ҳиссамиз билан ўлчанади

Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини нишонлаш арафасида энг улуғ ва энг азиз байрамимизга ҳар биримиз ўзгача тадорик кўрамиз. Ўтаётган йиллар бизни порлоқ келажак сари етаклар экан, орзулар ва имкониятлар ўтган кунимизни сарҳисоб қилишга ундайди. Инсон қалби зиёга интилади. Олимлар эса зиё соҳиблари сифатида ҳаётий, ижтимоий жараёнлар замиридаги маъно-мазмунга нур бахшида этувчилардир.

(Давоми 4-бетда)



ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

"МТ" ЁШЛАРИ

Ишонч ва масъулият

ёшларни ташаббускор ва шижоатли бўлишга чорламоқда

Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш ва чуқур билим олишлари учун имконият яратиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаяпти. Келажагимиз эгаларига бўлган бундай чексиз ғамхўрликлар бугун ўз мевасини бераяпти, десак муболаға бўлмайди. Муҳтарам Юртбошимиз ҳар гал юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамият ривожи, юрт истиқболи хусусида тўхталар экан, бу борада ёшлар иштироки ва улар олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратади.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Бундай эътибор ва ишонч Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлган ёшларимизни ташаббускор ва ғайрат-шижоатли бўлишга чорламоқда. Ёшларимизнинг сиёсий билимларини ошириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янги босқичга кўтариш, ёшлар орасида партиямиз ғоялари, дастурий мақсадлари тарғиботини янада кучайтириш каби вазифалар партия етакчилари ва "Ёшлар қаноти" фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бунинг амалий ифодасини яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази вакиллари билан ўтказган давра суҳбатида ёшларнинг сиёсий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти масалаларига кенг эътибор қаратилганлигида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда бир гуруҳ "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этдилар. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Солижон Қудратов давра суҳбатини очар экан, мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар, муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга билдираётган чексиз ишончи ҳақида тўхталди. Давра суҳбатида сўзга чиққан ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази бош илмий ходими Бахтиёр Ўтанов юртимиздаги сиёсий партиялар фаолияти, сайлов соҳасига оид янги қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқарув тузилмаси, фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг жамиятда тутган ўрни каби муҳим мавзуларда мазмунли маъруза қилди.

Анжуманда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадлари, унинг ёшларга оид сиёсати, ғоя ва вазифалари юзасидан "Ёшлар қаноти" фаоллари ўзларининг фикр ва таклифлари билан иштирок этдилар.

— Партиямиз дастурида ёшларга оид белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бизнинг асосий мақсадимиздир,- деди жумладан партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Махфират Маҳкамова. — Бунинг учун ўз ҳуқуқий-сиёсий билим ҳамда малакамизни тинмайин ошириб боришимиз ва бизнинг ўз нуқтаи назаримиз ва амалий ҳиссамиз юрт равнақи йўлида қилинаётган ислоҳотлар жараёнида яққол намоён бўлиши лозим.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлиги туфайли бизларга жамиятнинг ҳар бир жабҳасида, ҳаттоки сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиш имконияти яратилди,- деди партиянинг энг фаол ёшларидан Гулистон академик лицейи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ситора Борлибоева. — Юрт келажаги ёшлар қўлида экан, демак бизнинг сиёсий жараёнларда ҳам фаол қатнашишимиз, мамлакат тараққиёти, қолаверса партиямизнинг ишончли таянчига айланишимизга хизмат қилади.

Давра суҳбатида сўзга чиққан партия фаоллари "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг ижросини таъминлашда маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

ЙИҒИЛИШ

Кенгаш пленуми

партия вилоят кенгаши фаолиятини кучайтиришга доир муҳим масалалар муҳокама қилинди

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони вакиллари, партия вилоят кенгаши аъзолари иштирок этдилар.

Пленум кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП вилоят кенгаши олдида турган вазифалар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисидаги ҳамда ташкилий масалалар ўрин олди.

Пленумда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов сўзга чиқди. Партия раҳбари ўз сўзида мамлакатимиз мустақиллиги байрамининг кўтаринки руҳда ўтиши ва катта тантаналар билан нишонланишига ҳисса қўшиш партия аъзолари зиммасидаги вазифа эканлигини таъкидлади. Партия вилоят кенгаши мазкур Қарордан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг барча ҳудудларида байрам дастурлари, маданий-маънавий тадбирлар, ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этиш ишларига аҳамият қаратиши лозимлигини айтиб ўтди.

Пленумда жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, партия ижтимоий қатламини мустаҳкамлаш, электоратини шакллантириш бўйича амалий ишларни кучайтиришда вилоят кенгаши олдида турган вазифалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев вилоят кенгашининг ўтган ярим йиллик фаолияти бўйича маъруза қилди. У ўз сўзида кенгаш фаолиятида ютуқларга эришиш билан биргаликда, камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини таъкидлади. Қайд этилганидек, ўтган вақт давомида атиги 48 та тадбир ўтказилган бўлиб, аъзолик бадалларини тўлаш 69 фоизга бажарилган ва баъзи иши суст туманлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси этиб Шуҳрат Деҳқонов сайланди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фракция йиғилиши

унда Мустақилликнинг 18 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ЎзМТДП фракцияси олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, муқаддас динимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, ҳозирги пайтда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусининг ҳаётимиздан чуқур ўрин олишига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ЎзМТДПнинг дастурий ғоя ва мақсадларига ҳамоҳангдир.

Йиғилишда депутатлар томонидан Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан бири эканлиги эътироф этилиб, фракция иш режасига мазкур Қарордан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритиш тавсия қилинди.

Йиғилишда "Мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигининг 18 йили: ютуқлар ва истиқболлари" ҳақида маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Э.Юсупов мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг салмоқли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилганлигини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

- Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи мунтазам ошиб бормоқда. Бунда Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Шунингдек, йиғилишда иштирок этган Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари С.Олимов "Маънавият – миллий тикланиш пойдевори ва мезони" мавзусида маъруза қилди. Унда мустақилликдан сўнг миллий меросимиз, бой тарихимизни ўрганиш, асраб авайлаш, ҳурмат қилиш ва бу каби эзгу мақсадларни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдиришга кенг эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди.

Фракция йиғилишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов сўзга чиқиб, 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси якунлари юзасидан ўз фикрларини баён этар экан, унда муҳокама этилган муҳим масала Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича Президентимизнинг БМТ шафелигида халқаро "6+3" мулоқот гуруҳини тузиш, кўп миллатли Афғонистон халқининг тарихий илдизлари, анъанавий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва мазкур мамлакатдаги барча муаммоларни консенсус асосида ҳал этиш лозимлиги ҳақидаги ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан ҳам маъқулланганини алоҳида айтиб ўтди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар ва билдирилган таклиф-мулоҳазалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЙИЛ ДАСТУРИ АМАЛДА

Қишлоғим жамоли- юртим камоли

Г.РЎЗИҚУЛОВА,
ЎзМТДП Олот туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Олот туман кенгаши ҳамда туман Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Пахтакор ҚФЙдаги Қумкашон маҳалласида "Қишлоғим жамоли- юртим камоли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, нуроний отахон ва онахонлар, ўқитувчилар иштирок этдилар. Давра суҳбатини Пахтакор ҚФЙ раиси К.Камолов очиб, жорий йил Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ва маҳаллаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Ушбу йилда белгиланган муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Бу ўз навбатида қишлоқларда истиқомат қиладиган юртдошларимизнинг фаровон яшашдек ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган изчил сиёсатнинг амалга оширилаётганидан далолатдир.

Нотиқ маърузаси давра суҳбатининг янада жонланишига туртки бўлди. Иштирокчилар юқоридаги фикрларга ўз муносабатини билдиришар экан, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган бу борадаги ислоҳотларга ҳар бир фуқаро ҳалол меҳнати, фидойилиги билан ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Бу мақсадларга эришишда аҳоли ўртасида турли маънавий-маърифий тадбир ва учрашувларни тез-тез уюштириш муҳимлиги эътироф этилди.

Тадбирда қишлоқ оқсоқоли Ж.Багиев сўз олар экан, ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Қишлоқлар тобора обод бўлиб, чирой очаётгани халқимиз яратувчанлик ҳисси, келажакка ишонч билан яшаётганининг амалий ифодасидир. Биргина қишлоқ фуқаролар йиғинимизда бўлаётган ўзгаришлар, тикланаётган миллий қадриятлар, юксалаётган маънавиятимиз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим омиллардан биридир. Ҳар биримизнинг бу каби эзгу ишларга янада сидқидилдан ёндашишимиз эса тараққиётимизни тезлаштиради.

Фикрлар хилма-хиллиги, уларда қишлоқларни янада обод қилишга қаратилган мақсадларнинг борлиги тадбирнинг аҳамиятини ошириб, унинг самарали ўтишини таъминлади.

МУЛОҚОТ

Камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш

фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади,- дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Маъмур Пошшохўжаев

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хўш, айни пайтда 21 та туман ва шаҳар кенгашлари, 5000 дан зиёд аъзо ва 100 та бошланғич партия ташкилотига эга бўлган партия вилоят кенгашида иш самарадорлигини ошириш ва камчиликларни бартараф этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда? Бунга суҳбатимиз давомида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

— Маълумки партиянинг жойлардаги нуфузи ортиши ва жамоатчилик орасига чуқур кириб боришида тадбирларнинг аҳамияти катта. Кенгаш томонидан уларни таъсирчан ва самарали ўтказишда қайси жиҳатларга эътибор берилмоқда?

— ЎзМТДП вилоят кенгашининг партия дастурий мақсад ва вазифалари, қолаверса, кенгаш йиллик иш режасидан келиб чиққан ҳолда ўтказаётган тадбирларини уч асосий йўналишга бўлиш мумкин: маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий. Уларнинг ҳар бири энг аввало мазмунмоҳияти, кўлами билан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларга, шу билан биргаликда партиявий ғояларимизни кенг тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилиб, улардан кўзланган асосий мақсад партиямиз ижтимоий қатламининг мустаҳкамланишига, электоратимизнинг сон ва сифат жиҳатдан шаклланишига, хайрихоҳларимизнинг ортишига эришишдир. Жорий йил бошидан жойларда салкам 200 га яқин турли мавзуларда ўтказилган тадбирларда ҳам юқоридаги мақсад бирламчи аҳамият касб этди. Уларга мутахассислар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари доимий жалб қилинмоқда. Хусусан, "Трансчегаравий дарёлар: Халқаро чегара, реал вазият ва ўзаро ҳамкорлик", «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобидан келиб чиқадиган вазифалар», «Ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишда сиёсий партияларнинг роли», «Ватан маҳалладан бошланади!», «Аёл соғлиги-юрт бойлиги», «Сиз Миллий тикланиш партиясини биласизми?», «Дунёнинг қуёши аёл», «Бахтли болалик - юртнинг бойлигидир», «Маҳалла - жамият таянчи», «Оилада тиббий маданиятни ошириш», «Огоҳлик - давр талаби», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Масалан, ЎзМТДП Қуйи Чирчиқ туман кенгаши томонидан ўтказилган «Чекма!, Чекишга йўл қўйма!» мавзусидаги тадбирни олайлик. Туман соғлиқни сақлаш бўлими, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ вакиллари жалб этилган ҳолда ўтган тадбир турли зарарли иллатларнинг фуқаролар, хусусан ёшлар онги ва саломатлигига кўрсатаётган салбий таъсирига қарши курашни кўзлаганлиги билан аҳамиятлидир. Унинг доирасида берилган тавсиялар, тушунтириш-тарғибот ишлари ёшларни ҳушёрликка чорлаб, ўз тақдирига бефарқ бўлмасликка ундаши шубҳасиз.

— Кенгашда сайловга тайёргарлик ишлари қандай кечмоқда?

— Ҳа, дарвоқе, ғоят муҳим синовлар арафасида турибмиз. Бу эса ҳар бир партия аъзосидан масъулият, ишонч, ташаббус ва фидойиликни амалий фаолиятда намоён этишни талаб этади. Шу боисдан, сайловолди тарғибот ишларини ҳозирданоқ бошлаб юборганмиз.

Дейлик, ФЖЎИ Тошкент вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликдаги режалар дастурига эътибор қаратсак. Бугунга қадар «Сайловлар демократиянинг муҳим воситаси», «Сайловлар - жамият демократлашувининг асосий босқичи сифатида», «Сайловларда «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этиш», «Сайлов жараёнида аёллар фаоллигини оширишнинг асосий йўллари ва усуллари» мавзуларида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди ва бу махсус режа асосидаги фаолият то сайлов давригача давом эттирилади. Уларда партия аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этмоқда ва тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирлар орқали партия аъзоларининг сиёсий, ҳуқуқий билимлари янада юксалмоқда.

Айни пайтда партия вилоят кенгашида номзодларни танлаш ва саралаш ишлари жадал тус олган. Бугунги кунда вилоятдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5 нафар, Халқ депутатлари вилоят кенгашида 7 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 60 нафар ЎзМТДП аъзолари бўлган депутатлар иш олиб боради. Асосий мақсадларимиздан бири яқинлашаётган сайлов натижаларида улар салмоғини сон ва сифат жиҳатдан янада оширишга эришишдир.

— Ишда самарадорликка эришишнинг энг тўғри усули ютуқлар билан бирга, мавжуд хато ва камчиликларни ҳам кўра билиш ва унинг ечимини ўз вақтида топишдир. Партия вилоят кенгаши фаолиятини холис баҳолайдиган бўлсак, айни дамда унинг таркибидаги ташкилотлар ҳолати қай даражада?

— Тўғри таъкидлаб ўтганингиздек, ишда ўзига яраша ютуқлар билан биргаликда, баъзи камчиликлар ҳам учраб туради. Уларни бартараф этиб борилиши кўзланган мақсадларга эришишга хизмат қилади. Фаолиятимиз ҳам камчилик ва муаммолардан холи эмас, албатта. ЎзМТДП Янгийўл, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ туманлари энг фаол, тушаббускор кенгашлардан саналса, ЎзМТДП Тошкент, Пискент, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон ва Оҳангарон туман кенгашлари фаолиятини қайта кўриб чиқишга зарурат бор. Бу туманларда аъзолик бадалларини йиғиш, турли тадбирлар ўтказиш, партия сафини кенгайтиришга қаратилган ишлар талаб даражасида эмас. Баъзи туман кенгашларидаги сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар, замонавий ахборот технологияларининг етишмаслиги билан боғлиқ масала ҳам аста-секин ҳал этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, партиянинг халқ орасидаги обрўси, танилиши, ишончга сазовор бўлишининг ягона бир йўли бор. У ҳам бўлса амалий ишлардир. Бунинг учун эса фақат тинимсиз меҳнат, изланиш, интилиш, ташаббускорлик зарур бўлади. Бундай натижага эришиш эса олдимизда турган муҳим синов - сайловларда муваффақият қозонишимизни таъминлайди.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

“ЁШЛАР ҚАНОТИ”

Ёшлар мамлакат келажаги, унинг нурли истиқболини белгилаб берадиган қудратли кучдир. Шу боисдан, мустақиллик йилларида ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг онгу шуурига инсоний туйғуларни сингдириш, она Ватанимизга муҳаббат, миллий ва маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ, улар адабиёт, санъат, илм-фан ва спортда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз номини дунёга танитмоқда.



Мустақиллик ёшлар нигоҳида

Сардор ДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Яқинда ЎзМТДП Асака шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан Асака техника-иқтисодиёт коллежида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб “Мустақиллик-ёшлар нигоҳида” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил қилинди. Ватанимизнинг мустақиллиги, тинчлиги ва фаровонлиги, кенг миқёсда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ёшлар тақдирида бераётган ижобий ўзгаришлари хусусида сўз борган тадбирда партия Андижон вилоят ва Асака шаҳар кенгашлари аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” фаоллари, коллеж ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар. Мавзу аксарият иштирокчилар бўлган ёшлар ҳаётига даҳлдор бўлганлиги боис ҳам, тадбир жонли, ўзаро фикр алмашинуви ва баҳс-мунозаралар асосида кечди. Ёш авлоднинг таълим олиши, истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун Юртбошимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар, миллий анъаналар, қадриятлар, тарихий обидалар ва шаҳарларимизнинг тикланиши, тилимиз, динимиз, маънавиятимизнинг юксалиши, санъатимиз ва маданиятимиздаги улкан ўзгаришлар тадбирда сўзга чиққан этган ёшлар эътиборида бўлди. Бу ислоҳотларга улар ҳам муносиб ҳисса қўшишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир бевосита мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, уларда ёшларнинг, хусусан партия “Ёшлар қаноти” иштирокини таъминлаш масалаларига уланиб кетди.

- Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу жараёнлар ўз навбатида партиянинг тарғибот-ташвиқот ишларида бевосита кўмакчи сифатида “Ёшлар қаноти” фаолларидан ҳам чуқур сиёсий, ҳуқуқий билим, нотиқлик маҳорати ҳамда фаоллик ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилишни талаб қилади, - деди партия Асака шаҳар кенгаши “Ёшлар қаноти” раҳбари Х.Дадабоев. – Сайловга ҳозирлик кўриш мақсадида жорий йилнинг май ойида ФЖЎИ ва ЎзМТДП ҳамкорлигида партия Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари кенгашлари “Ёшлар қаноти” фаоллари иштирокида “Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида иш олиб боришнинг самарали усул ва услубларидан фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилган эди. Унда вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоллари 425х850 лойиҳаси билан чиқишди. Бу лойиҳа партия вилоят кенгаши ёшлар бўғини таркибида бўлган 425 нафар аъзоларни ва бошқа ёшларни таъсирчан ва самарали тадбирлар орқали партияга жалб этиш ва унинг сафини янада кенгайтиришга ҳисса қўшиш мақсадини илгари суради. Биз партия Дастури асосида “Ёшлар қаноти”нинг сайловолди ва сайловдан кейинги Ҳаракат дастурини ишлаб чиқдик ва шу асосда ишларни олиб боряпмиз.

Тадбирда йиғилган ёшларга бу ҳақда батафсил маълумот берилиб, уларга мазкур ташаббусни амалга оширишда кўмаклашиш лозимлиги уқтирилди.

Шу куни бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномаларини ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Мўйдинов топширди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Жамиятда партия ролини ошириш

тадбирларнинг етакчи мавзусига айланди

Сарвар ХУРРАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ва Ғаллаорол туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Миллий тикланиш ғояси – миллий манфаатларимизга хизмат қилсин” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шоира Умарова, Раъно Зарипова, Республика “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари Васила Каримова Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастурида белгиланган ҳар томонлама комил ва ватанпарвар инсонни тарбиялаш, ҳар бир фуқаро онгида мамлакатимизнинг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажагидан фахрланиш туйғусини тарбиялаш ҳамда мустаҳкамлашдек асосий ғоя ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган амалий ишларга эътибор қаратдилар.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек “Саъд ибн Ваққос” зиёратгоҳининг таъмирланиши ва қайта очилиши маросимида ҳам қатнашдилар. У ерда зиёратчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида янгидан супалар қурилди, мавжуд бинолар таъмирланди ва зиёратгоҳ ҳудуди ободонлаштирилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши ҳамда Низомий номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия вилоят, шаҳар кенгашлари аъзолари, МФЙ фаоллари, шунингдек вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, ҳунармандлар иштирок этишди.

Давра суҳбатида “Жамиятда хотин-қизлар ва ёшлар фаоллигини ошириш масалалари”, “Сиёсий партия тушунчаси: таъриф, мулоҳаза, фикр”, “Сиёсий партиялар ва маҳалла ҳамкорлиги”, “Сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни” мавзуларида сўз борди.

Мазкур мавзулар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

* * *

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши ва “Зараутсой” жамоатчилик маркази ҳамкорлигида вилоят Археология музейида “Тарихи ва келажаги буюк Ўзбекистон” мавзусида тадбир ўтказилди.

Анжуманни вилоят Археология музейи директори И.Ботиров очди. Тадбирда “Зараутсой” ёдгорлиги кашф этилганига 70 йил тўлгани ҳамда шу номдаги жамоатчилик марказининг 5 йиллик фаолиятига бағишланган маърузалар тингланди. Шундан сўнг ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Ражабова сўзга чиқиб, ЎзМТДП дастурида белгиланган тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ёшларни бой маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳақида фикр юритди.

Анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши томонидан вилоят Ахборот-ресурс марказида “Биз учун ягона ва устувор мақсад, Ўзбекистон манфаати” мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси М.Қодиров кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилиб, партиямиз мамлакатимиз Президентининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва сиёсатини қўллаб-қувватлашини таъкидлаб ўтди.

Давра суҳбати китобхонлар ва талабаларнинг берган саволлари билан янада қизғин кечди.

* * *

“Миллатни юксак маънавият ва тарбия асрайди, улуғлайди” мавзусида ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашининг “Давлат шошилинч тез ёрдам илмий маркази”нинг вилоят филиали ҳамкорлигида ўтказган давра суҳбатида шифокорлар ва партия фаоллари иштирок этишди. Давра суҳбатини марказнинг вилоят бўлими бошлиғи Ш.Худойберганов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Д.Шарипов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилиб, жумладан шундай деди:

- Эътибор берсак, сиёсий ва тиббий соҳанинг боғлиқ жиҳатлари кўп эканлигига гувоҳ бўламиз. Сиёсий ва тиббий маданият бевосита жамиятдаги салбий таъсирлар, лоқайдлик ва бепарволик каби иллатларни йўқотишда уйғунлик касб этади.

Тадбир сўнггида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтиб, сиёсий партиялар фаолиятига доир берилган саволларга кенг ва атрофлича жавоблар берилди.

* * *

ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши томонидан “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида спортнинг бокс тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар иштирок этишди.

- Ҳар бир бола ўзига хос бир олам, - деди сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Н.Элмирзаева. - Фақат улардаги иқтидор ва истеъдодни биз катталар кўра билишимиз, уларни тўғри йўналишга сола олишимиз жуда муҳим. Шунингдек, болаларда қайси соҳага интилиш бўлмасин, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда спортга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Мусобақа якунида ғолибларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши “Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти Бухоро шаҳар филиали билан ҳамкорликда “Сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирни “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг шаҳар филиали раҳбари А.Отамуродов очди. “Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сизнинг партиянгиз” мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Бозорова партиянинг асосий ғоя ва мақсадларига алоҳида тўхталди.

Давра суҳбати сўнггида партиянинг янги аъзоларига гувоҳномалар топширилди.

* * *

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши томонидан туман марказий шифохонасида тиббиёт ходимлари ва талабалар иштирокида “Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Гиёҳвандлик иллати бутун дунёни ташвишга солаётганидек, унга қарши мамлакатимизда ҳам жиддий кураш олиб борилмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партиянинг туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Ражабова. - Маълумки, гиёҳвандлик жамиятимиз, ёшларимиз ҳаётига хавф солиши шубҳасиз. Шу боис халқ таълими, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари, жамоатчилик ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳамда маҳалла фаоллари ёшлар ўртасида гиёҳвандликни олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб боришлари зарур.

Шунингдек, тадбирда шифокорлар ёшларга гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари тўғрисида маълумотлар беришди.

* * *

“Огоҳлик – тинчлик мезони” мавзусида ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ФЖЎИ ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказди. Унда ЎзМТДП шаҳар, туман кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, ФЖЎИ ходимлари, МФЙ фаоллари иштирок этишди.

- Маълумки, ён қўшнимиз афғон диёрида содир бўлаётган воқеалар юртимизда ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас, - деди тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Жалменов. – Қишлоқ хўжалиги, айниқса иқтисодиёти бутунлай издан чиққан, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва сиёсати бутун дунё ҳамжамияти эътиборини тортаётгани ҳам бежиз эмас.

Иштирокчилар тингланган маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан шаҳар тиббиёт бирлашмасида ўтказилган “Ҳуқуқий демократик давлат қуришда сиёсий партияларнинг ўрни” мавзусидаги давра суҳбатида соҳа ходимлари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатини шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Ш.Муҳитдинов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов бугунги кунда миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар ҳақида гапирди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга доир билдирилган фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилди.

АНЪАНА

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

ҳамиша долзарб бўлган ушбу мавзу муҳокама марказида бўлди

Яқинда Косонсой туман Транспорт, алоқа ва сервис коллежида “Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши ҳамда ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда туман кенгаши аъзолари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими вакиллари ва туман хотин-қизлар қўмитаси ходимлари иштирок этдилар.

Н.ЖЎРАЕВА,
ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши “Аёллар қаноти” раҳбари

Тадбир инсон, унинг фаровон ҳаёт кечириши, бунёдкорлик ишлари сари дадил қадам ташлашини белгилаб берувчи маънавий баркамоллик, моддий таъминланганлик масалаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

Тадбирни коллеж директори М.Исоқов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўз олган партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Қосимов тадбир мақсадига тўхталиб, жумладан шундай деди: — Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади”. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, ҳар икки омилнинг шахс камолотида ўрни беқиёс. Шу боисдан юртимиз мустақилликка эришганининг илк кунлариданоқ бу масалаларга жиддий эътибор қаратила бошланди. Унинг самарасини миллий қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши, ўзликни англаш туйғусининг ўсиши, истиқлол ғояларининг ҳаётимиздан чуқур ўрин олиши, шунинг баробарида хусусий мулкка эга бўлиш, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланишга кенг йўл очилишининг юртдошларимиз ҳаётида бераётган ижобий натижалари мисолида кўришимиз мумкин.

Шахс маънавиятини шакллантириш ва юксалтириш, фарзандларимизни миллий истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида таълим-тарбия тизимида қилинаётган ва қилиниши зарур бўлган ишлар хусусидаги чуқур мулоҳазали фикрлар ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборидан четда қолмади.

— Фарзандларимизга яхши тарбия, билим бериш баробарида ҳалол меҳнат ва ризқ топишга ёшлигиданоқ ўргатиб бориш уларнинг ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан мустақил бўлишларига омил бўлади,-дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, партия аъзоси А.Қосимова.

Тадбир бевосита маърифий кечага уланиб кетди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси З.Мансур ва таниқли шоира Х.Бобомуродова шеърлари кечага файз киритиб, барчага хушнудлик бахш этди.

Кеча сўнггида коллеж ўқитувчиларидан яна 20 нафари партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЭЪТИБОР

Хотира турнири

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари ўз мазмун-моҳияти ва қиёфасини тубдан ўзгартирди. Жамиятимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар матбуот, радио, телевидение ҳамда интернет нашрларида тезкорлик ва холислик билан ёритила бошланди. Ўтган ўн саккиз йиллик фурсат мобайнида жамият ойнаси ҳисобланмиш оммавий ахборот воситалари чин маънода тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарила олди. Улар юртимизнинг миллий юксалишини, фикрлар хилмахиллигини таъминлашга ҳаракат қилаяпти. Сирдарё вилоятида бугунги кунда 30 га яқин оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Матбуот соҳасида самарали хизмат кўрсатаётганлар сафида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига аъзо бўлганлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Жумладан Умаркул Очилов, Баҳринисо Норжигитова, Шомурод Холмуродов, Облоқул Ашуркулов каби фидойи журналистлар бир неча йилдан буён ЎзМТДП Сирдарё, Гулистон туманлари ва Янгиер, Ширин шаҳарлари кенгашларига етакчилик қилиб, партиямиз сиёсатини кенг оммага тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. ЎзМТДП вилоят кенгаши томонидан партиямиз аъзолари бўлган журналистларнинг машаққатли меҳнати муносиб қадрланмоқда. Оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси вилоят журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда катта спорт тадбири, яъни ёзувчи журналист Турғун Жамолов хотирасига бағишлаб шахмат-шашка бўйича ўтказилган турнир ҳам шулар жумласидандир.

Ушбу хотира турнирида партия фаоллари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарҳод Норматов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг партия фаоллари, ижодкорлар ўртасида қизғин мусобақа бошланди. Беллашув ниҳоясида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар эълон қилинди. Фахрли биринчи ўрин Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раиси ўринбосари, шоир ва журналист Бахтиёр Утановга насиб этди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси Махфират Маҳкамова, Гулистон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳринисо Норжигитова ҳам фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Ғолиблар партия вилоят кенгаши, вилоят журналистлар уюшмаси ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

А.НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 18-ОДИМИ

Муқаддас бурч ва масъулият

ҳар биримизнинг мустақиллик жараёнига қўшган ҳиссамиз билан ўлчанади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боисдан ҳам Тошкент Давлат Маданият институти проректори, социология фанлари доктори, профессор Мансур Бекмуродов билан истиқлолнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳамда маънавий-маданий соҳадаги ўзгаришлар хусусида суҳбатлашдик.

- Истиқлол йилларида ватандошларимизнинг аксарияти мустақиллик бизга нима берди эмас, биз мустақилликка нима бердик, деб яшашни ўзларининг ҳаёт маслакларига айлантириб олдилар. Маънавий тикланиш, ўнгланиш ва юксалиш жараёнларидаги энг катта позитив ўзгаришлардан бири айни шу нарсадир. Истиқлолга жуда кўп машаққат ва курашлар билан эришдик. Зеро, бу дунёда уч нарса: муҳаббат, билим ва мустақиллик совға қилинмайди. Бунга инсон юрагининг ўти, меҳнати, ақл-заковати ва кураш орқали эришиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қўлга киритилган мамлакатимиз мустақиллиги тарихий ва бадиий асарларда боқий тараннум этилувчи буюк ғалабамиздир. Элимизнинг ҳар бир фарзанди шу юрт, шу ўлка тараққиёти учун ҳисса қўшишга бел боғлаши, буни



яққол гавдалантириб берган эди.

- Юртбошимиз доимо иқтисодий тикланишга уйғун тарзда маънавий юксалишни алоҳида таъкидлаб келадилар...

- Дарҳақиқат шундай. Маънавият негизида аввало тарихий хотирага ўзининг муқаддас бурчи деб билиши лозим. Бу бурч инсон қалб-кўрида туриши жоиз деб биламан. Юртбошимизнинг "Шўролар даврида эрталаб туриб кимга салом берар эдик?" деган саволлари замирида чуқур маъно бор.

Биз танлаган йўл, тараққиёт босқичи узлуксиз жараён бўлиб, йиллар давомида юксалишларга эришиб боради. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллиги 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаларида мамлакатимизда истиқлол йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётимизда амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари таҳлил қилиниб, истиқболда олдимизда турган стратегик вазифалар белгилаб берилганди. Президентимиз мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йилларини икки: **"...Ўтиш давр ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар"** ва **"2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври"**га бўлиб таҳлил қилар экан, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ мисол ва далиллар асосида кўз олдимизда эгалик, миллий ўзликни англаш, таълим, маданият соҳаларидаги таркибий ўзгаришлар ётади. Масалан, сиз мутолаа, ахборот олиш жараёнларига бир назар ташлаб кўринг-а. Шўролар даврида оммавий ўқишлар ташкил этилгани рост, бироқ унинг расмийлашган кўриниши бўлган қишлоқдаги кутубхоналарда мутолаа билан машғул одамларни топиш мушкул эди. Кутубхоналар эшигида катта қулф осиғлиқ турарди. Эндиги замон бошқача. Инсоният ахборот олишнинг янгидан-янги турларини кашф этмоқда. Виртуал яшаш тарзи айни дамда бутун дунёни қамраб олаётир. Шунга мувофиқ кутубхоналаримизнинг ижтимоий-маънавий мақоми ўзгартирилиб, ахборот-ресурслари марказига айлантирилди. Эндиликда замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик-лицейлар ўқувчилари ўзи таълим олаётган даргоҳда ташкил этилган ахборот-ресурс марказларидан зарур адабиётларни интернет орқали жаҳоннинг исталган кутубхонасидан топиб ўқиши мумкин.

Умуман, моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлиги ҳақида гапирганда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларини эсга олиш лозим: **"Инсонга хос орзу-интилишларни руёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўшқанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади".**

- Ватанпарварлик ҳар биримизнинг, хусусан фарзандларимизнинг эътиқод марказида бўлиши керак. Бу масала ҳам тарихан, ҳам бугунги кунда инсон учун энг муҳим ва муқаддас тушунча сифатида ҳар биримизнинг ҳаётимиздан жой олган...

- Ватанга муҳаббатни ҳар ким ҳар хил ифодалайди. Кимдир бу инсоннинг киндик қони тўкилган жойидан бошланади, дейиши мумкин. Алишер Навоий: "Ватанга муҳаббат одамларга яхшилик қилиш – ўз халқини севиш билан боғлиқ" эканлигини ўз асарларида тараннум этади. Юртбошимиз Ватанни севиш бунёдкорлик завқи, миллий маънавиятга садоқат, ишонч, ийдадил одимлашимиз, мақсадлар сари кўтаринки руҳ билан олға бормоғимиз лозим. Бу дунёқараш билан боғлиқ бўлиб, биз уни сунъий ўзгартиришга уриниш орқали эмас, балки бойитишга интиламиз. Одам ўзи интилаётган идеалга, мақсадга қанча ишонса, шунчалик ўз йўлида барқарор илгарилайди, ишонч эса тадрижий тарзда иродага айланиб боради. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида ирода туйғусига алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Зеро, ирода ишончдан куч олади.

- Истиқлол туфайли тарихий обидаларимиз билан бирга қадриятларимиз ҳам тикланиб, халқимизнинг маънавий-руҳий оламининг ажралмас қисмига айланиб бораётганлиги барчамизни қувонтирмоқда.

- Тарихга назар ташласак, бизнинг энг қадимий обидаларимиздан бири девор бўлган. Шаҳарларни ўраб турувчи деворлар қурилишига сабаб эришилган моддий-маданий бойликларни сақлаш, турмуш тарзи, менталитет, миллий маънавиятни асрашдир. Мустамлакачилар маънавиятимиздан жудо қилиш мақсадида даставвал шаҳарларимиз атрофини ўраб турган асрий маънавият ва қадрият обидалари бўлган деворларини қулатдилар. Масалан, Самарқанд, Урганч ва Тошкент қалъа деворлари айни дамгача сақланиб қолмаган. Ҳатто хорижликлар ҳам ташриф буюрган меҳмонга энг аввало қалъа деворларини кўрсатишади. Мустақилликдан сўнг эса биринчи навбатда тарихий обидалар тикланди, қайта таъмирланди. Уларни кўз қорачиғимиздай асраб, мана бизнинг аждодларимиз қурдирган иморатларга боқинг, дейишга асос яратилди. Чунки, улар ўтмишимизнинг, маънавий меросимизнинг моддий кўринишидир.

Аслида ҳам қадриятларимизни таърифлашга сўз ожиз. Масалан, "Ўтган кунлар"да Юсуфбек ҳожининг Отабекка қилган муносабатини олиб кўрайлик. Ундаги ота билан фарзанд муносабати қадрият сифатида юксак даражага кўтарилганлигидан дарак беради. Энг муҳими, бугунги глобаллашув шароитида миллатнинг ўзлигини, унинг анъана ва урф-одатларини, бой ва бетакрор тарихий-маданий меросини асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланмоқда. Биз халқ, миллат сифатида ўзлигимизни англасаккина, қалбимизда миллий ғурур ва ўз қадрини билиш туйғуси кучаяди. Ўз қадрини англаш эса бошқалардан кам эмасликни қалбга жо этиб, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, доимий тарзда ундаб туради. Шу боис халқнинг анъана ва қадриятлари, ўзликни англаш, ғурур ва ишонч, ирода фазилатлари бир-бири билан боғлиқ ҳодисалардир. Ана шу қадриятлар бугун қайта кўз очмоқда. Бу эса бизни шукроналик, ўтаётган онларимиздан мамнун бўлишга ундайди, зеро тарихи бор халқнинг бугуни ва эртаси боқийдир.

"Milliy tiklanish" мухбири Акобир САЙИДОВ суҳбатлашди

*Президентимиз мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йилларини икки: **"...Ўтиш давр ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар"** ва **"2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври"га бўлиб таҳлил қилар экан, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ мисол ва далиллар асосида кўз олдимизда яққол гавдалантириб берган эди.*

Мустамлакачилар маънавиятимиздан жудо қилиш мақсадида қадрият деворларини қулатиш билан бирга, шаҳар деворларини ҳам вайрон қилишди. Масалан, Самарқанд, Урганч ва Тошкент қалъа деворлари айни дамгача сақланиб қолмаган. Ҳатто хорижликлар ҳам ташриф буюрган меҳмонга энг аввало қалъа деворларини кўрсатишади. Мустақилликдан сўнг эса биринчи навбатда миллат маънавияти, маданиятининг ифодаси бўлган барча тарихий обидалар тикланди, қайта таъмирланди. Уларни кўз қорачиғимиздай асраб, мана бизнинг аждодларимиз қурдирган иморатларга боқинг, дейишга асос яратилди. Чунки, улар ўтмишимизнинг, маънавий меросимизнинг моддий кўринишидир. Зеро, тарихи бор халқнинг бугуни ва эртаси боқийдир.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёналари тобора яқинлашиб борар экан, юртдошларимиз кўз ўнгида ана шу даврда эришилган ютуқ, ўзгариш ва янгиланишлар намоён бўлиши шубҳасиз. Маълумки, Юртбошимиз истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг, ўтказилажак кенг миқёсли ислоҳотларнинг пировард натижаси кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш эканлигини таъкидлаган эди.

Ижтимоий ҳамкорлик

мамлакат равнақига хизмат қилмоқда

Акбар НАБИРАЕВ, Анвар РЎЗИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Фуқаролик жамиятида демократик қадриятлар ва тамойиллар қарор топади, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деб эътироф этилади. Бундай институтлар фуқаролар фаоллигини ошириш, миллий ўзликни англаш, сиёсий маданият ва юксак маънавиятни шакллантиришга хизмат қилмоғи керак. Шу маънода сиёсий партиялар, ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин оммавий ахборот воситалари айнан фуқаролик жамияти институтларининг асосий кучи саналади. Негаки, турли ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қиладиган мустаҳкам жамоат секторини ривожлантирмай кучли очиқ фуқаролик жамияти ҳақида гапириш қийин.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ва дадил қадамлар ташланди. Аввало, янги тизим институтларига тегишли ташкилий-ҳуқуқий, моддий шарт-шароитларни яратиш, улар фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаш, самарали ишлашига замин яратиш мақсадида қонуний асослар яратилди. Жумладан, мамлакатимиз Конституциясининг 13-бўлимида фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши кафолатлаб қўйилди. Шунингдек, "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида", "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда ҳам бевосита фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилган. Масалан, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунга биноан ННТнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва мажбуриятлари, давлат органлари билан ҳамкорлиги, уни ташкил этиш ва фаолият юритиш мезонлари мустаҳкамланган. Хусусан, унда давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиш кераклиги акс этган.

Мамлакатимизда бугун 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бораётир. Улар орасида ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Фермерлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, "Маҳалла", "Нуроний", "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармалари сингари кўплаб жамоат бирлашмалари бор. Мазкур ташкилотларнинг 40 фоизга яқини фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, 14,2 фоизи аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим ва экология, 12 фоизи эса бошқа долзарб масалалар билан шуғулланади.

Дарҳақиқат, нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётида кечаётган ўзгаришларда муҳим ўринга эга. Айниқса, қишлоқларимизнинг янада обод ва фаровон бўлишида, қишлоқ жойларида инфратузилмани ривожлантиришда, одамларга қулайликлар яратишда, турли янгиликлар жорий этишда жамоат ташкилотлари муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда фуқаролик жамияти институтларига ҳам қатор вазифалар юкланган. Хусусан, жойларда фермер хўжаликларига консалтинг, бухгалтерия хизмати кўрсатиш, шунингдек, ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этган ҳолда фермерларни қисқа муддатли ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил этишда жамоат ташкилотларининг зиммасидаги масъулият янада ошади. Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси мазкур масалада тегишли давлат органлари, шунингдек, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда махсус ўқув курслари, семинар-тренинглар ўтказилиши белгиланган. Бу тадбирлар, албатта, қишлоқда кечаётган ислоҳотларнинг марказида турган фермерларнинг салоҳиятини янада мустаҳкамлашга, уларнинг қишлоқ хўжалиги, ҳисоб-китоб фаолиятига доир билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Дастурда аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий эътиборга муҳтож қатлам вакилларини доимий ва вақтинчалик иш билан таъминлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида белгиланган. Жумладан, келгусида бошланғич сармоя берган ҳолда ишламаётган 2000 нафар аёлни ўз бизнесини юритиш асосларига ўқитишни ташкил этиш, шу йўл билан уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш кўзланган. Айни пайтда Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси бу вазифаларни изчиллик билан бажармоқда.

"Сиёсий партиялар тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида", "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда ҳам бевосита фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий негизлари белгилаб берилган.

Албатта, жамият ҳаётида кечаётган ислоҳотларда, ўзгаришларда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш айни заруратдир. Мисол учун қишлоқ жойларида одамларнинг уюшмаган ҳолда чет элларга ишга кетиш ҳоллари мавжудлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари бу масалага янада жиддийроқ қарашини тақозо этади. Зеро, четга ишлаш учун ноқонуний йўллар билан чиқишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ва хабардор қилишга доир телекўрсатувлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш айни заруратдир. Умуман, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросига Хотин-қизлар қўмитаси, ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, ЎзЭОАВМА, Савдо-саноат палатаси, "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилотлари, "Маҳалла", «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармалари сингари кўплаб Фуқаролик жамияти институтларининг жалб этилгани мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавқеи тобора ошиб бораётганидан дарак беради.

Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фуқаролик жамиятини шакллантириш, албатта, узоқ давом этадиган жараён эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Давлат органлари ва сиёсий, ижтимоий, фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги ўз навбатида, мамлакатнинг барқарор ривожига замин яратади. Шу боисдан ҳам "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини ишлаб чиқишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат ташкилотлари фаол қатнашмоқда. Айни пайтда бу вазифалар изчиллик билан рўёбга чиқарилаётгани, энг муҳими, жамиятда Фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, аҳамияти тобора юксалиб бораётгани танлаган йўлимиз нечоғли тўғри эканлигидан далолатдир.

ИБРАТ

Иноқ маҳалла

"Булунғур ариқ"ни кўплар ана шундай деб аташади

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Булунғур туманидаги "Булунғур ариқ" фуқаролар йиғини ҳудудида 3150 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги иккита умумтаълим мактабида 850 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Жорий йилда 51-мактаб биноси 270 ўқувчига мослаб қайта қурилмоқда. Жомонжор қишлоғида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ҳашар йўли билан сув тармоғи ўтказилди. Маҳалла ҳудудидаги кам таъминланган оила, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қария ва ногиронлар ҳолидан доимо хабар олинади. Яқиндагина фермер Муҳаммад Мелибоев ҳомийлигида 2 тонна буғдой хонадонларга беғараз ёрдам тариқасида тарқатилди. Кам таъминланган оилалардан бир кишига қорамол берилди. Наврўз байрами арафасида 10 000 туп мевали, 14750 туп манзарали ва терак кўчатлари экилди. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд 12340 туп мевали дарахтга шакл берилиб оқланди. 4270 м. ариқзовур тозаланди. Маҳаллада Президентимиз асарлари, маърузалари, фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг аҳамияти хусусида олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида "Юрт тинчлиги-Ватан равнақи" мавзусида маънавий- маърифий тадбир ўтказилди. "Аёл-олам меҳвари", "Кексаларни қадрлаган ҳурмат топади", "Оила-муқаддас", "Ёшлар бизнинг тақдиримиз" каби кўплаб мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари ҳар гал мароқли ўтади. Маҳаллада хотин-қизлар ўртасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари билан биргаликда аёллар ўртасида ҳафтада бир марта "Соғлом онасоғлом бола", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Туғруқлар орасидаги интервал" мавзулари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади. Хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш анъаналари йўлга қўйилган. Яқинда ўтказилган кўл тўпи спорт мусобақасида "Қораариқ" маҳалласи хотин-қизлари ғолибликни қўлга киритди. Шахмат бўйича Роҳатой Абдувоҳидова биринчиликни эгаллади. Маҳаллада, айниқса, Наврўз ва Мустақиллик каби умумхалқ байрамлари кенг нишонланади. Байрамларда кураш, чиллак, хаппак каби халқ ўйинлари ташкил этилади. Сумалаклар пиширилиб тарқатилди. Ўтганлар руҳи хотирланиб, кексалар ҳолидан хабар олинади. Буни кўрган бошқалар эса "Булунғур ариқ"ни иноқ маҳалла деб аташади.

МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозимлиги ҳақида уқтириб, шу соҳаларда ишлаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар – чинакам зиёлилардир, дейди.

НИГОҲ

Инсон ҳаёти ва турмуш тарзи маданийлашгани сари ақлий меҳнатнинг мавқеи кучайиб, жамиятнинг зиёлиларга эҳтиёжи ортиб боради. Халқимиз қадим-қадимдан илм-фан намояндалари, фикран илғор кишиларни юксак қадрлаган. Ҳар бир ота-она фарзандини ўқитишга, зиёли қилиб тарбиялашга интилган. Шунинг учун ҳам боласини муаллимга берганда: "Эти – сизники, суяги – бизники", деган иборани ишлатган. Бу сўз замиридаги теран маъно – барчамизга аён, отанинг мақсади – фарзандини, қандай синовлар бўлмасин, илмли қилиш.

Зиёлилик масъулияти

Шуҳрат НАСИМОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси

Зиёли сўзини русчадаги "интеллигент" билан айнан деб билиш кўпам тўғри эмас, яъни интеллект – ақл билан боғлиқ, шунинг учун у кўпроқ оқил сўзига муқобил. Зиёли эса бундан кўра анча кенгроқ маънога эга. У том маънода одамларнинг идеалига айланган шахсдир. Теран ақл соҳиби сифатида атрофга зиё, яъни эзгулик нурини сочади. Зиёлилар башариятга маънавият ва маърифат ёғдуларини мерос қилиб қолдиради.

Собиқ шўро тузуми даврида аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга киргани сир эмас. Хўш, шу тахлитда олий билим даргоҳини битирган одамни зиёли дейиш мумкинми? Албатта, йўқ? Олий даргоҳни битирмаса-да, дунёқараши кенг, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни теран англайдиган, ақлан моҳиятини тушуниб етадиган ва уни яқинлари, фарзандларига сингдира оладиган инсоннигина чинакам зиёли санаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозимлиги ҳақида уқтириб, шу соҳаларда ишлаётган ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар – чинакам зиёлилардир, дейди.

XX аср бошларида дастлаб, жадидларни кенг омма зиёли деб атай бошлагани бежиз эмас. Жадидларнинг асл мақсад-муддаоси жамиятни ислоҳ қилиш, замонавий илмфан ва маданиятдан халқни хабардор этиш, маърифатли қилиш, юртни қолоқлик ботқоғига тортаётган уқувсиз амалдорларга янгича идора юритиш тартибларини ўргатиш бўлган.

Зиёлилар нафақат таълим-тарбия масалалари билан шуғулланади, балки жамият ҳаётида адолат, ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсоф, диёнат тушунчаларининг қарор топишига ҳам хизмат қилади. Ёвузлик, тажовузкорлик, шафқатсизлик, очкўзлик сингари тубан хусусиятлар зиёлиликка зиддир. Президентимиз таъбири билан айтганда улар раҳмон измидаги одамлар. Шунинг учун ҳам бундай зотлар шайтон измидаги ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган, жамият тараққиётини орқага тортадиган кимсалар билан муроса қила олмайди. Шу сабабдан ҳам зиёлилар ҳаётда кўплаб тўсиқларга дуч келади. Ўзидан фақат яхшилик қолдиришга интилиб, ҳалолпок яшайдиган бундай инсонлар эл-юрт томонидан қадр-қиммат топади, виждони олдида қийналмайди.

Зиёлилар якдил бўлиб, бир чилик даврида асосан миллатнинг зиёли қатлами қатағон қилингани ҳеч кимга сир эмас.

Қайси миллатнинг зиёлиси таққирланса, шу эл манқуртга айланади. Узоққа боришга ҳожат йўқ. 1937 – 1953 йилларда Ўзбекистон бўйича 100 минг киши сиёсий қатағон қилинган. 13 минг нафари отиб ташланган. Мустақилликдан кейингина уларнинг ҳурмати ва хотираси жойига қўйилди. Ўзлари яшаган муҳитни реал тасвирлаган, ўз қадрият ва удумларини эъзозлаган, тўғрироғи, миллатини руҳига мос тарзда яратилган асарлари таҳқирланди. Халқ шу даврда ўзининг маънавий раҳнамолари "душман"га чиқарилганидан кейин, кимга ишонишини билмай, аросатда қолди. Шўро мафкураси шу тариқа миллатни суянчиқларидан айирди. Махсус ишлаб чиқилган йўриқномалар (пролеткульт маданияти) асосида жадал равишда мажбуран "коммунистлаштириш" олиб борилди. Натижада улкан бир ҳудудда ирқи, дини, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатлар бир хил фикрлашга, турмуш тарзини ўзларига ёт удумларга мослаштиришга мажбур бўлди.

Аслида, зиёлиси шаклланган халқнинг онгига бегона ва мутлақо ёт ғояни сингдириш осон кечмайди. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Мўғуллар жисмонан бизнинг юртимизни босиб олган бўлса-да, маънавияти ва маданияти юксак халқни бошқара олмади, охири шу халққа сингиб кетди.

Шўролар даврида жамият расман ишчи, деҳқон, хизматчилар тоифасидан иборат бўлиб қолди. Зиёлиларнинг ишчи-деҳқонлардан кейинги ўринга қўйилиши улар мавқеининг пасайишига сабаб бўлди ва мажбуран пролетариат диктатурасининг тап-тайёр хизматчисига айлантирилди. Бунга бўйсунмаганлар отилди, томири қуритилди. Намунали "хизматчилар" вазифаси хўжайиннинг ҳар қандай буйруғини қулоқ қоқмай ва қойилмақом тарзда бажарувчига айланиб қолди.

Минг бор шукрлар бўлсинки, мустақиллик шарофати билан зиёлининг қадри тикланди. Эл суйган кишиларни ардоқлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зиёлига эътибор, уларга яратилаётган имкониятларнинг кенгайиши кишини илҳомлантиради. Таниқли зиёлиларнинг давлат мукофотларига сазовор бўлиши, эл ҳурматини қозонган ижодкорлар юбилей кунларининг мамлакат миқёсида кенг нишонланиши жамиятдаги соғлом маънавий-маърифий муҳитдан далолат беради ва бунёдкорлик, ташаббускорликка даъват қилади.

Ҳар қандай мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг моҳиятини дастлаб англаб етиш билан бирга аҳолининг кенг қамровли қатламлари орасида тушунтириш, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш айнан зиёлилар зиммасидалигини ҳисобга оладиган бўлсак, масъулиятнинг ўта жиддий эканлиги ойдинлашади.

Бугун давр зиёли олдига ҳам янгича талаблар қўймоқда. Жамият маънавий инқирозининг олдини олиш, глобаллашув даврида миллий қадрият ва анъаналарни асраб, келажак авлодга етказиш, халқни турли ғоявий хавф-хатарлардан огоҳ этиш – улар зиммасидаги вазифа. Халқ ва давлатнинг юксак мақсадларига эришиш айнан зиёлилар меҳнатига боғлиқ.

МУТОЛАА

Асрор Самаднинг "Вафо вожиблари" (1-жилд), "Сабоқ самараси" (2-жилд), "Талаффуз тозалиги" (3-жилд), "Хотира сандиғи" китоблари унинг серқирра ижодкор эканлигидан, у адабиётимизнинг деярли барча тур ва жанрларида қалам тебратганлигидан гувоҳлик беради. Муаллиф шеърлар ва кичик ҳикоялардан бошлаб, пьесалар, бадиъалар ёзиб, шуҳрат қозониб борди. Булар ҳаммаси жиддий, чуқур изланишлар туфайли, фалсафий мушоҳада, ўткир ақл, синчков сўз билан кузатилиб яратилганлиги яққол кўзга ташланади. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, унинг пухта чиққан ҳар бир асари ҳаётий воқеаларни ҳаққоний акс эттириши, уларнинг мантиқий асослаши ҳамда фалсафий умумлашмалари билан ажралиб туради.

Кенг қамровли тадқиқот

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Тўрт жилддаги асарларда қўйилган масала, муаммоларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг ранг-баранглиги, ҳар бирининг ўзига хослиги ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, китобхонни улардан ибрат олишга, сабоқ чиқаришга чорлайди.

Тўпламнинг яна бир характерли томони шундаки, муаллиф фольклоршунос-олим сифатида қатор долзарб масалалар бўйича тадқиқот олиб бориб, халқ оғзаки ижодига бағишланган қатор илмий ишлар яратди. Адиблар, драматургларнинг асарлари ҳақида мақолалар, тақризлар ёзди. Уларни халқ оммаси орасида асосли равишда тарғиб қилди. Тўртликдан жой олган "Одам азиз-олам азиз" деб номланган тақризда Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Бир ўликка - бир тирик" пьесапамфлетини профессионал олим сифатида кенг таҳлил қилиб беради. Шунга ўхшаш ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси бўлмиш "Алпомиш" достонининг таҳлили ҳам китобхонларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. Гап шундаки бу эпос ҳақида жуда кўп ёзилган, аммо Асрор Самад ўзига хос ҳолда талқин қилган. Таҳлилда илмийлик билан бадиийлик уйғунлашиб, мақоланинг аҳамиятини оширган. Асарларда қатор илмий адабий атамаларнинг моҳиятини, аҳамиятини, бадиий асарлардаги ўрнини асослаб, ишонарли қилиб талқин этилган.

Атоқли шоир Мавлоно Ҳабибийнинг ижоди ва ҳаёти илмий-бадиий шаклда шундай талқин қилинганки, уни завқ-шавқ билан ўқиб чиқасиз, ҳеч ким айтмаган гапларни топасиз. Шу каби буюк артист Олим Хўжаев, академик Бўри Аҳмедов, кинорежиссёр Латиф Файзиев, опера санъатининг фахри, халқ артисти Саодат Қобулова, севимли шоир Нормурод Нарзуллаев, драматург Ҳайдар Муҳаммад, машҳур ношир А.Ваҳобов ва жуда кўп таниқли адиблар, санъаткорларнинг ижодлари ва ҳаётлари қисқа, лўнда қилиб таърифлаб берилган. Энг муҳими китобда буюк саркарда, йирик давлат арбоби Амир Темурга катта аҳамият берилиб, унинг асл қиёфаси ҳаққоний ёритилганлигидадир.

Амир Темур кенг қулоч ёзиб, дадил қадамлар билан Ўзбек Миллий академик драма театрининг дарвозаларини очиб, саҳнамизга ишонч билан кириб келди. Томошабинларнинг қувончлари чексиз. Чунки ўтмишда ҳар томонлама қораланиб келинган Соҳибқирон энди ёруғ юз билан ҳаққоний равишда халқимизга боқди. Томошабинлар Амир Темурнинг бутун бўй-басти билан кўра бошлади, унинг кимлигини чуқур тафаккури билан ҳис қилди, ўзининг ҳамюртига, асл фарзандига тасаннолар айтди. Бу хайрли, савобли ишда санъатимизнинг кўрки бўлган театримизнинг ижодий хизмати ғоят катта бўлди. "Соҳибқирон Темур" асари асосида тайёрланган спектакль мамнуният билан қабул қилинди. Томошабинлар Амир Темурга бўлган муҳаббатлари чексиз бўлганлиги сабабли спектаклда унинг ҳаёти ва фаолияти нурланиб кўрсатилгани учун зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Бу пьеса узоқ вақт улкан саҳнамизни безаб келди.

Бирдан қўлимизга 1993 йилда босилиб чиққан "Соҳибқирон Темур" драмаси тушиб қолди. Уни кўриб, ҳайрон қолдик. Чунки, бу пьесанинг худди ўзи академик театримиз саҳнасида қўйилган. Унинг муаллифини К.Марло деб юрар эдик. Китобда эса Асрор Самад деб кўрсатилган. Очиғини айтишим керакки, Асрор Самаддан қаттиқ ранжидим. Чунки менинг асосим бор эди. М.Раҳмонов, М.Тўлахўжаева, И.Мухторовларнинг "Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи" (Тошкент-2003 й. 261-бет) китобида қўйидаги сўзларни ўқиган эдим: "1992 йил 25 январда: "Соҳибқирон Темур" Марло асари. Асрор Самад инсценировкаси" қўйилди, дейилган. Яна бир бошқа жойда бундан ҳам қизиқроқ гапни учратамиз. К.Марло ва А.Самад нусхаларини солиштириб, хурсанд бўлдим, юрагим ёришиб кетди. Чунки, уларда ҳеч қандай ўхшаш жойларни учратмадим. Шу сабабдан ҳам икки драмани бутунлай мустақил асарлар деган хулосага келдим.

Бирдан қўлимизга 1993 йилда босилиб чиққан "Соҳибқирон Темур" драмаси тушиб қолди. Уни кўриб, ҳайрон қолдик. Чунки, бу пьесанинг худди ўзи академик театримиз саҳнасида қўйилган. Унинг муаллифини К.Марло деб юрар эдик.

Бу асар янада кенгайтирилиб, "Адолат қиличи" номи билан биринчи жилддан жой олган. Бугина эмас, Асрор Самад буюк даҳога бағишланган "Правда о Темуре" номидаги ҳужжатли фильмга сценарий ёзиб, уни ҳам китобга киритган.

Асрор Самад академик Бўривой Аҳмедов ҳақида тўхталиб, у "игна билан қудуқ ковлаб..." ижод этганлигини таъкидлайди, камина Асрор Самаднинг асарларини ўқиб, ўрганиб, ўзи ҳам "игна билан қудуқ қазиб ..." тўрт жилдлик асарларини яратганлигига амин бўлдим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Асрор Самаднинг тўрт жилдлик асарлари китобхонларга арзигулик совға бўлибди. Уларнинг маънавий-маърифий аҳамияти шубҳасиздир.

МУНОСАБАТ

Юксак ишонч ва эътибор

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъбир жоиз бўлса, мана шу эътибор ва муносабат асносида "Жаҳон адабиёти" журнали дунёга келган эди, дейишимиз мумкин. Зеро, ёш истеъдодни буюклик супаларига кўтара оладиган бундан ортиқ восита борми?

Яқин ойларда бу нашрнинг 150-сони ўқувчилар қўлига бориб етади. Шуни ифтихор билан айта оламизки, бу давр ичида журнал сиҳифаларида 100 га яқин жаҳон адабиётининг энг сара романлари, 100 дан ортиқ қиссалар, кўпдан-кўп дунёга машҳур шоирларнинг шеърий туркумлари, ўткир публицистик мақолалар эълон қилинди. Муҳим жиҳати шундаки, уларнинг аксарияти асар яратилган тилдан илк бор таржима қилинди ва адабиётимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Булар орасида унча-мунча миллат адабиётшуносларининг "тиши ўтмайдиган" асарлар ҳам борки, улар бизнинг ёш авлодга мансуб ижодкорларимиз томонидан чуқур таҳлил қилиниб, муносиб савияда тадқиқ этилмоқда.

Баъзан дунё адабиёти сўқмоқсиз ўрмон ёки ададсиз кенгликлардек ёхуд қирғоғи йўқ уммон бўлиб туюладики, унда адашиб кетиш ёки турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу боисдан бу борада, устоз Озод Шарофиддинов таълим берганидек, юксак бадиият, теран инсонийлик ва умумбашарий туйғуларгина доимий мезон бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаймизки, бугунги кунда "модерн адабиёти" деган атама ҳар қанча чиройли жарангламасин, у жаҳон адабиётининг устувор йўналишини белгилаб беролмайди. У ҳолда кўп сонли ўқувчиларимиз хитой, япон, араб, эрон ва ҳинд адабиётига бўлган астойдил қизиқишларини намоён қилмаган бўлардилар.

Ҳамиша чинакам бадиий асар меҳварини инсон ва инсониятнинг орзу-умидлари, унинг мангу безовталиги, ташвиш ва изтироблари ташкил қилиб келган. Бундай асарлар покиза ахлоқ, юксак маънавият туйғулари билан суғорилган. Шу боисдан ҳам асарни ўқиган инсон ўз қалбини ёруғ туйғулар билан янада бойитади, бундай адабиёт билан озиқланган миллат руҳи ҳеч завол топмайди.

Жаҳон адабиёти борасида фикр юритганда, шак-шубҳасиз, ўзбек адабиёти ҳақида гапирмай бўладими? Бизнинг адабиётимиз ҳам ана шу жаҳон адабиётининг ажралмас қисми эмасми?

Бинобарин бугунги кунда дунё ўқувчиларига манзур бўладиган, уларни эътиборини, меҳрини қозонадиган асарлар бизда яратилмаяптими? Ўзбек адибларининг асарларини бошқа тилларга таржима қилиб беролсак, қайси ўқувчи кўксига босмайди?

Бозор иқтисодиёти устувор мавқега кўтарилган давримизда иқтисодчилар тили билан гапирадиган бўлсак, бошқа мамлакатлар адабиётини мамлакатимизга "импорт" қилар эканмиз, ўз адабиётимиз намуналарини хорижга "экспорт" қилишни ҳам ўйлашимиз керак. Аллақачон бу муаммони ҳал қилишнинг мавриди етган. Чунки бизнинг юксак маънавиятимиз башариятга ибрат бўлгуликдир.

Мен адабиёт борасидаги мулоҳазаларга берилар эканман, муҳтарам Юртбошимизнинг қалам аҳлига билдирган катта ишончи ва эътиборидан, кўрсатаётган ғамхўрлигидан кўнглим эзгу-туйғуларга тўлиб тошганлигини яна бир карра таъкидлайман.

Тинч ва осойишта ҳаётимизга, тобора кўркамлашиб, гўзаллашиб бораётган юртимизга, ўз келажагини бунёд этаётган, халқимизнинг азму шижоатига бугунги кунда кимнинг ҳаваси келмайди?! Шак-шубҳасиз бу кунлар тарихнинг энг ёрқин саҳифаларига айланажак ва олтин ҳарфлар билан битилгайдир!

ФАРМОН ВА ИЖРО

Фан ютуқлари ва тиббиёт ривожи

Ядро физикаси илми юксалиши жамиятнинг кўплаб соҳалари қатори тиббиётнинг янада ривожланишини таъминлаш, хасталикларни бирламчи босқичларда аниқлаш ва самарали даволаш имкониятини бераётир. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқларидан мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам кенг фойдаланилаётир. Шифо масканларида фойдаланилаётган замонавий ташхис воситалари ёрдамида диагностика ва даволаш ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Пойтахтимиздаги Эндокринология илмий тадқиқот институтида тиббиётнинг мазкур йўналишида қўлга киритилаётган ютуқлардан онкология ва кардиология соҳасида фойдаланиш истиқболларига бағишланган семинар бошланди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Германия, Чехия, Россия, Эстония, Грузия, Украина, Польша, Латвия, Литва, Тожикистон сингари давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этмоқда.

Тадбирда Эндокринология илмий тадқиқот институти директори С.Исмоилов инсон саломатлигини муҳофазалаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда кўламини кенгайтириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармони бу жабҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётгани шифо масканларининг модий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббиёт ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, илм-фан фаолиятини такомиллаштириш ва янги ихтиролардан даволаш жараёнларида самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар ва жаҳондаги нуфузли илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳам ўз самараларини бераётир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда МАГАТЭ ҳамкорлигида қарийб тўрт йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма дастур бунга мисолдир. Ушбу лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги академик В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ва Эндокринология илмий тадқиқот институтига замонавий диагностика воситаси олиб келинди. Ушбу аппарат ёрдамида қалқонсимон без, жигар, буйрак, юрак, мия, суяклар ва бошқа аъзоларда кечаётган жараёнларни тез ва сифатли аниқлаш имкониятлари янада кенгайди.

10 июлга қадар давом этадиган семинарда мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар янги диагностика технологияларини қўллашдаги Ўзбекистон тажрибаси билан яқиндан танишадилар. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқлари, қалқонсимон без, юрак ва онкологик хасталикларни бирламчи босқичларда аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ долзарб вазифалар атрофлича таҳлил этилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ЖАРАЁН

ТАЪЛИМ

Ёшлар миллат таянчи

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури доирасида бир қатор ибратли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда


Алишер РАҲМОНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Термиз Давлат университети қошидаги 1-сон Термиз академик лицейи Сурхондарё вилоятидаги энг кўзга кўринган таълим масканлари қаторидан ўрин олган. Мазкур билим даргоҳида айни вақтда 1515 нафар талаба-ёшлар таҳсил олади ва уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун 112 нафар тажрибали педагог меҳнат қилмоқда.

Талабалар учун асосан 4 та йўналиш бўйича таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилган. Булар аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар, хориж филологияси йўналишлари ҳисобланади. Ҳар бир йўналиш бўйича кафедралар мунтазам фаолият юритиб, барча ўқув хоналари давлат таълим стандартлари асосида жиҳозланган. Ҳамма диққат эътибор таълим самарадорлигини ошириш ва талаба ёшларни интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Бунинг натижаси ўлароқ академик лицей ўқувчилари фан олимпиадалари, турли хил кўрик танловларда муносиб ўринларни эгаллашга муваффақ бўлаяптилар.

— Жамоамизда ўзларининг кўп йиллик бой тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларимизга касб маҳоратларини аямай таълим-тарбия бераётган илғор педагогларимиз жуда кўп. Масалан, Баҳор Шукуровани ўқувчиси Гулинисо Сайидалиева 2007-2008 ўқув йилида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Шуҳрат Раҳмоновнинг талабалари ўтган 2008 йилда “Баркамол авлод” спорт мусобақасида волейбол бўйича вилоят босқичида 1-ўринни эгалладилар. Яна шунга ўхшаш кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бунинг барчаси педагогларимизнинг илғор тажрибасидан далолат,- дейди биз билан суҳбатда академик лицей директорининг ўринбосари Абдувоҳид Сафаров.

Шу билан бирга бу ерда ободончилик ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, манзарали дарахтлар, гулу гулзорларнинг табиий кўриниши инсонга ҳаловат бахш этади. Шинамгина маънавият-маърифат хонаси, ошхона, талабалар турар жойи ва спорт заллардан ёшлар унумли фойдаланишмоқда. Шунингдек, Термиз шаҳрида жойлашган Термиз иқтисодиёти коллежи фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. 1999 йилда ташкил қилинган мазкур коллежда ҳозирги вақтда 1246 нафар ёшлар таҳсил олади. Асосан бу ерда бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Синфхоналар компьютер ва замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Дарсдан кейинги машғулотлар бўйича тўгараклар доимий фаолият кўрсатаяпти. 75 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи ва 100 ўринли ошхона ўқувчилар ихтиёрида. Айниқса Ахборот-ресурс марказидаги ишлар жудаям кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Мавжуд 11 минг 751 дона бадиий ва дарслик китоблардан талабалар кенг баҳраманд бўлишяпти. Коллежнинг илғор ўқувчилари турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келяптилар. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини англаб етиш орқали ўқувчи-ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш мақсадида тажрибали ўқитувчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



Дарвоқе, ёшларимизни ўз Ватанга садоқат ва севиш, у билан фахрланиш, ҳар қандай шароитда миллий мустақилликни, халқнинг қадриятлари, анъаналари ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашдек улкан вазифалар ЎзМТДП дастуридан жой олган. Шу боис ҳам ушбу билим даргоҳларида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ёшлар билан биргаликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказмоқда.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Республикамиз божхоначилари томонидан нақд валюталарни олиб ўтиш билан боғлиқ амалдаги тартиб ва меъёрларни бузган шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилмоқда.

Қоғозда йўқ акчалар

Хориж фуқароси Ма Вениамин Тошкент аэропортидан “Тошкент-Москва” йўналишида ўз юртига учаётиб, божхона баённомасида ҳеч қандай хорижий валюталарни олиб кетмаётганлигини қайд этган эди. Аммо, пост ходимлари уни божхона назоратидан ўтказишганда, меҳмоннинг ёнида 40 минг Россия рубли яширилганлиги маълум бўлди.

Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам нақд хорижий валюталарининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирлар олиб бормоқдалар. “Дўстлик” божхона пости орқали қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқаро Т.Нуридинов ўзи билан 3400 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан туриб, яширинча олиб чиқмоқчи бўлганида божхоначилар томонидан фош этилди.

Қўшни давлат фуқароси Г.Бадирова ҳам ёнидаги нақд валютани яшириб янглишди. Ушбу аёл 2700 АҚШ доллари ҳамда 21 мингга яқин қозоқ тенгесини божхона баённомасида қайд этмасдан олиб ўтмоқчи бўлганда Тошкент вилояти божхоначилари унинг шубҳали ҳаракатларини сезиб қолишди ва божхона назоратидан ўтказишди. Оқибатда эса қонунбузар қинғир ишидан пушаймон бўлишдан ўзга чора тополмай қолди.

Вилоятнинг “С.Наджимов” божхона пости ходимлари эса йирик миқдордаги нақд хорижий валюталар контрабандасига чек қўйишди. Қўшни давлат фуқароси К.Ташкинбаева юртимизга кираётиб, 25 минг 500 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан яширинча олиб ўтишни кўзлаган экан.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида божхоначилар томонидани нақд валюталарни ноқонуний олиб ўтишга оид 2400 дан ортиқ ҳолат фош этилган.

Парранда гўшти контрабандаси

Юртимизга олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари аввало сифатли бўлиши ва қонуний тарзда импорт қилиниши керак. Тегишли рухсат ва сифат кафолатига эга бўлмаган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш эса аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Республикамиз божхоначилари сифати кафолатланмаган, тегишли ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ички бозорга кириб келишининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда Мирзаобод туманидаги М.Холиқова хонадонини қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечиришди. Натижада, ҳовлида самарқандлик Н.Нуриллаева ҳамда Т.Саидмурадовага тегишли 5 тоннага яқин товуқ гўшти ноқонуний тарзда сақланаётганлиги маълум бўлди. Аммо, хонадон эгаси ҳам, юк эгалари ҳам қиймати салкам 17 миллион сўмга яқин ушбу озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бироната ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олишмади.

Худди шу кўйга тушган фуқаро З.Холбоев ҳам Тошкент вилояти божхоначилари томонидан фош этилди. У божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва қиймати салкам 8 миллион сўмни ташкил қилувчи 2 тоннадан ошиқ товуқ гўштини ноқонуний олиб киришга уринган эди.

Республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишга оид 1800 дан ошиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
ДБҚ Матбуот хизмати инспектори

2009 ЙИЛ — “ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ”

Қишлоқда интернет хизмати

улар дунё билан бемалол боғланишмоқда

Анорбой НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Истиқлол йилларида юртимиз қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугун қайси бир аҳоли истиқомат қилаётган масканга борманг хайрли ишларнинг устидан чиқасиз. Бири-биридан чиройли уйлар, замонавий қиёфадаги мактаб, шифохоналар, коллежлар қишлоқлар кўркига кўрк бағишлаб турибди.



1334 та хонадон яшайдиган “Меҳнатобод” қишлоқ фуқаролар йиғини Мирзаобод туманида энг намунали аҳоли масканларидан саналади. Ҳудудда 5 та замонавий мактаб, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та шифохона, 80 дан ошиқ савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатади.

Қишлоқ аҳолисининг дунёқараши, яшаш ва турмуш шароити йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Кўплаб хонадонлар интернет орқали дунё билан боғланиш имконига эга. Ўз уйларида туриб, дунёнинг бир чеккасида хизмат сафарида ёки саёҳатда юрган ёр-биродарлари, таниш-билишлари билан бемалол суҳбатлашмоқдалар. Энг қувончлиси, қишлоқда ишбилармон ва тадбиркорлар сафи кундан кунга кўпайиши аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишига ҳисса қўшмоқда.

Тадбиркор аёл Гуландом Ҳожиматова ҳамқишлоқларига қулайлик яратиш мақсадида фуқаролар йиғини марказида тикувчилик цехини ташкил этди. Цехнинг ташкил этилиши туфайли қўлида ҳунари бор, аммо ишсиз уйда ўтирган 15 нафар қизжувонлар доимий иш ўринларига эга бўлдилар. Қўлигул чеварлар томонидан тайёрланаётган келин-куёв ва тўй либослари бугун барчага манзур.

Аҳолига чорва, парранда боқишда катта имкониятлар яратилган. Қишлоқ марказида ветеринария хизмати пункти доимий равишда ишлаб турибди. Шунингдек, арзон нархдаги омухта ем сотиш ҳам йўлга қўйилган.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да бир қатор хайрли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳудудда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Қишлоқ марказида 300 нафар ишчи ўрнига мўлжалланган сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси ишга туширилади. Шунингдек, хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда шам ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ҳам иш бошлайди. Бу саноат корхоналарининг ишга тушиши қишлоқнинг янада обод, фаровон бўлишига замин яратади.

БУНЁДКОРЛИК

Тошкентдаги 4-юқумли касалликлар клиник шифохонаси қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Шифохона янги қиёфада

“Меҳр нури” хайрия жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида шифохона биноси бутунлай қайта қурилиб, янги махсус асбоб-ускуналар ва мебеллар келтирилди. Бундан ташқари, шифохонанинг беморларни қабул қилиш имконияти 150 кишига кенгайтирилди. Янги замонавий асосий бино ва лабораториялардан ташкил топган тиббий комплексда беморлар учун барча қулайликларга эга хоналар яратилди. Шифохона ҳудуди ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Мазкур шифо марказининг очилиш маросимида пойтахтимизда “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган “Кўкрак бези хавфли ўсмалари муаммоларининг тиббий аспектлари ва уни бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни” мавзусидаги биринчи халқаро форум меҳмонлари, яъни Австрия, Франция, Германия, Швейцария, АҚШ, Туркия, Россия, Япониядан келган тиббиёт соҳаси олимлари ва мутахассислари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни эътироф этиш баробарида, уларнинг замирида аҳоли саломатлиги, келажак авлод баркамоллиги мужассам эканлигини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, “Меҳр нури” хайрия жамғармаси 2004 йилдан буён туғруқхоналар, поликлиникалар, болалар боғчалари, мактаблар, мадрасалар ва бошқа ижтимоий объектларни таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёллар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Янги ҳамкорлар танланди

Бугунги кунда саноат корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун энг аввало, маркетинг ва реклама хизматларини кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Негаки ҳар қандай харидор ҳам ўзи учун зарур бўлган товарни айнан шу орқали сотиб олади. Тобора ривожланиб бораётган реклама бозори ишлаб чиқарувчилар учун синов майдонига айланиб бормоқда, десак муболаға қилмаймиз.

Республика миқёсида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган савдо ярмаркалари ҳамда кооперация биржалар бугун самарадор ечим сифатида ўзини тўла оқламоқда. Чунки, бу орқали ишлаб чиқарувчилар ўртасида манфаатли ҳамкорлик янада кенгайиб муҳсулотларини намойиш этишга қулай имконият яратилади. Жиззахда икки кун мобайнида бўлиб ўтган вилоят “Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси”да кичик бизнес субъектлари, кичик ва йирик саноат корхоналаридан 115 таси қатнашди. Асосий мақсад воҳадаги ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари кўргазмаси билан биргаликда улар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдан иборат. Бу жараёнда кўпроқ кичик бизнес субъектлари қатнашаётгани қувонарли ҳолдир.

Шу йилнинг биринчи чорагида хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 52 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106 фоиздан иборат бўлди.

Чиндан ҳам, бугун воҳа иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзига хос ўрин тутмоқда.

Шу йилнинг биринчи чорагида хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 52 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106 фоиздан иборат бўлди. Истиқболли лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида эса 9 мингга яқин янги иш ўрни очилди. Энг муҳими, мавжуд корхоналарнинг техник жиҳатдан модернизация қилинаётгани боис кимё, енгил саноат, мебелсозлик, қурилиш материаллари сингари муҳим соҳаларда ноанъанавий маҳсулот тайёрлаш ҳажми бир неча баробарга ортди.

Тадбир қатнашчиси “Кўтарма кон” МЧЖ раҳбари Жавлон Ҳайдаров тадбиркорлар учун яратилаётган бундай имкониятлардан ниҳоятда хурсанд. Унинг айтишича, корхонада 60 га 90, 20 га 40 мм. метрли, 0-15 гача мм. метрли фракцияли оҳактош ишлаб чиқарилади. Айнан бугунги ярмаркада эса ушбу маҳсулотга харидор бўлган бир нечта саноат корхоналари билан шартномалар имзолашга эришдилар.

— Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо саноат палатаси ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур ярмарка аккумулятор, полиэтилен қувурлар, шифер, гилам сингари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хомашёни четдан эмас, балки воҳанинг ўзидан харид қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Вилоятда энг йирик тадбиркорлардан бири саналмиш Холисхон Бобоева асосан қурилишбоп материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Яъни Жиззахда ишлаб чиқарилаётган шиферларнинг аксарияти мана шу тадбиркор бошчилик қилаётган жамоа аъзолари меҳнати билан харидорларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор учун бугунги ярмаркада четдан олиб келинаётган азбис маҳсулоти ўрнини боса оладиган Учқулочдаги Валастанит ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши айни муддао бўлди. Агар ушбу ҳамкорлик асосида хомашё шу ердан олинадиган бўлса, шифер маҳсулотлари таннархи анча миқдорда арзон бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Демак тайёр маҳсулотлар ва хомашё етказиб берувчилар ўртасидаги кооперация алоқаларининг янада мустаҳкамланиши икки томон учун ҳам бирдек манфаат келтиради. Бу эса эндиликда корхоналарда маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш имконини беради. Мазкур ярмаркада ишлаб чиқарувчилар томонидан қиймати 3,5 миллиард сўмдан ортиқ 150 та шартнома имзоланди.

Ўрозали БЕРДИБЕКОВ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Реклама қайта ҳикоя қилинган воқелик

реклама ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келди


БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Ҳозир деярли ҳар қадамда реклама бизга пешвоз чиқади. Сиз уни кўришингиз, эшитишингиз мумкин. Тўғри, айрим ҳолларда халал беради, жонга тегади, ҳатто баъзан асабийлаштиради ҳам. Аммо тан олинг, ўзимиз ҳам аслиятни аллақандай реклама призмаси орқали тасаввур қиламиз. Бундай шароитда ортиқча ахборотдан қандай қутулиш лозим ва қай тариқа фойдаланиш керак?


Матбуотда рекламадан келадиган даромадлар динамикаси

Сурат 1



Ўзбекистон матбуотида энг кўп бериладиган реклама турларининг 10 талиги (см²). Сентябрь 2008 й.

Сурат 2



Мулк шакли бўйича ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги улуши

Сурат 3



> *“Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шакл ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот”.*
>
> **(Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, 4-модда)**

Реклама нафақат ҳаққоний (бу реклама тарқатувчининг биринчи қоидаси), балки қизиқарли ва фойдали ҳам бўлиши керак. Ахир нима учун одамлар рекламани ёмон кўришади? Бунинг сабабини машҳур қизиқчимиз жуда аниқ киноя қилган: *маза қилиб реклама кўраётган пайтингда ўртада кино қўйиб юборишади-да...*

Матбуотда бари бошқача. Бу ердаги рекламани хоҳласангиз ўқийсиз, хоҳламасангиз “айланиб” ўтиб кетасиз. Агар ўқисангиз ўзингиз учун фойдали нарса топишингиз мумкин. Газетада реклама информацияни максимал ҳажмда батафсил бериш имконияти мавжуд. Бу ерда вақт чегаралари ва радиоларга рекламалар камайган, аммо интернет-реклама ўсишда давом этмоқда. Айтиш жоизки, ОАВда интернетнинг пайдо бўлиши соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқдаки, газетхон бир вақтнинг ўзида турли манбаларга мурожаат қилиши мумкин. Кейинги йилларда сайёрамизда интернет нашрлари ОАВнинг бошқа соҳаларига нисбатан дадилроқ ривожланаётгани газета-журналларнинг ўқишлилик даражаси пасайганини англатмайди. Гап шундаки, XXI асрда ахборот коммуникацияларнинг шиддат билан ўсиб бораётгани босма нашрларнинг ҳам интернетда сайтлари яратилишига олиб келди. Бу албатта қувонарли ҳол. Кузатувларга кўра, замонамизда интернетнинг мунтазам ўсишига қарамай, жаҳондаги йирик-йирик компания ва корпорациялар, фирмалар газеталарда реклама беришни энг оммавий ва таъсирчан хизмат тури сифатида кўришмоқда.

Ўзбекистонда айни пайтда мингдан ортиқ газета-журналлар фаолият кўрсатмоқда. Аксарият нашриётлар, айниқса, туман газеталарида реклама материаллари камчиликни ташкил этади. Бироқ ўтган йиллар давомида вазият бирмунча ўзгараётир. Вилоятларда чоп этилаётган газеталар рекламадан яхши даромад олишмоқда ва бу ўз навбатида таҳририятларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланишига олиб келмоқда. ОАВ реклама жойлаштиришнинг белгиланган мавсумлари йўқ. Шунга қарамай, мутахассислар, айниқса, сентябрь, декабрь, январь, март ойларини рекламаларга бой даврлар деб ҳисоблашади. Бу мазкур ойларда юртимизда байрамлар кўплиги туфайли газета ва журналлар, телевидение ва радиоларда рекламалар ҳар қачонгидан кўпроқ жойлаштирилиши билан боғлиқ.

Ҳар доимгидек ОАВда рекламани жойлаштиришда уяли алоқа компаниялари етакчилик қилишмоқда: уларнинг ҳиссаси эгалланган реклама майдонларининг 15 кв. метрдан ортиғини ташкил этади *(2-сурат, DE FACTO маркетинг агентлиги маълумотлари)*. Ижтимоий рекламалар ҳам сезиларли равишда ўсиб бормоқда. Молиявий институтлар ҳам рекламаларга тез-тез мурожаат этишаяпти. Мебеллар хариди, кийим-кечак ва енгил саноат маҳсулотлари, автомобиллар хизмати ҳам ОАВнинг доимий ҳамкорига айланган. 2006 йилда ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги фаолияти қуйидаги натижаларни кўрсатган: маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги улуши 75,4 фоиз (2005 йилда 81,8 %), қўшма корхоналар – 17,5 фоиз (2005 йилда 12,3 %), хорижий фирмаларники эса 7,1 фоиз (2005 йилда 5,9 %)ни ташкил этган.

Шунингдек, 2006 йилда маҳаллий реклама берувчиларнинг рекламадаги асосий позицияларини қуйидагича: ижтимоий рекламалар – 19,8 фоиз, ўқув марказлари рекламалари – 10,3, уяли алоқаларга хизматлар – 9,3 фоиздан иборат бўлган. Енгил саноат маҳсулотлари, алкоголсиз ва яхна ичимликлар, косметикалар, маиший техникалар, савдо маркалари, хом ашё материаллари рекламалари 2 фоизни ташкил этади. Юртимизда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг маҳсулот ва хизматлар рекламалари қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

75,1 фоиз – уяли алоқалар хизмати:

5,2 фоиз – компьютерлар ва турли техника воситалари ва интернет хизмати:


1,5 фоиз – мебеллар ва интернет буюмлари рекламалари.

Реклама тайёрловчилар оптимистларнинг яқин қариндоши. Улар бу дунёни энг яхши томонини кўришади. Баъзан ҳаммамизга ҳам худди шу нарса етмайди. Дейлик, ўз-ўзимизни, яқинларимизни реклама қилишга эҳтиёж туғилади. Умуман олганда, рекламадан ўзингиз хоҳлаган нарсани олинг: агар у кулгули бўлса кулинг, агар зарур бўлса, ахборотни эслаб қолинг. Мабодо, фойдали бўлса ёзиб олинг, ёдланг ва ниҳоят у сизга ёқмаса четлаб ўтинг. Реклама ҳар қанча жозибадор, қизиқарли бўлмасин, унутманг охирги сўзни доимо сиз айтасиз.

Грецияда тонгги соат 7 ва тунги 10 атрофида болалар ўйинчоқлари рекламаларини намойиш этиш ман қилинган. Европа мамлакатларининг кўпчилиги болаларга йўналтирилган рекламаларни қисқартирувчи қонунлар чиқарди. 1991 йилдан бошлаб Швецияда кичкинтойлар аудиторияси телевизор қаршисида йиғиладиган пайтда ҳар қандай болалар рекламасининг намойиши таъқиқланди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР


Хитойда табиий офат рўй берди



Мамлакатнинг жанубий провинцияси - Хунань, Гуанцзи ва Фуцзянда кузатилган кучли ёмғир оқибатида қарийб 20 нафар одам ҳалок бўлган, 320 мингдан ортиқ аҳоли эвакуация қилинган. Юзлаб хонадонлар, шаҳар ва посёлкалар сув остида қолган. Хабарларга кўра, табиий офатдан кўрилган зарар 135 миллион евродан ошиб кетган. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг хабарича, ўтган 10 йил давомида биринчи маротаба рўй берган сув тошқини айниқса, қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказган.

Мағлубиятни тан олди

Болгарияда ўтказилган парламент сайловларида ГЕРБ ўнг марказий партияси ғалаба қозонган.



Эндиликда партия раҳбари София Бойко Борисов бош вазирлик курсисини эгаллаши кутилмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, парламент сайловларида илк маротаба иштирок этган ГЕРБ партияси асосий эътиборни коррупцияга қарши курашишга қаратишни маълум қилган. Кейинги ўринни социалистлар партияси раҳбари, бош вазир Сергей Станишев эгаллаган, у аллақачон ўз мағлубиятларини тан олган.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ўнг партиячилар парламентдаги 240 ўриндан 115 тасини эгаллаши кутилмоқда. Социалистлар аввалги 39 та жойни сақлаб қоладиган бўлди. Сайловда ўнг марказий партияси ғалабага эришган бўлса-да, аслида ҳеч қайси партияга катта миқдорда овоз тўплаш насиб этмаган.

Тезкор операция

Францияда Басс сепаратчи гуруҳининг аъзолари ушланган.

“Euronews” телеканали Испания ҳукуматининг расмий манбаларига таяниб хабар беришича, қўлга олинганлар ЭТА айирмачи гуруҳининг фаол аъзолари саналади. Уларнинг ёши 30 атрофида. Операция Франция ва Испания полициячилари томонидан ўтказилган. Қўлга олинганлар мазкур икки давлат ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини ташкил этишда гумон қилиняпти.

- Гуруҳ аъзолари асосан ёшлар, аммо бу мамлакат ёшлари ЭТАнинг фаол аъзолари эканлигини англатмайди, - дейди Испания ташқи ишлар вазири Альфредо Перес Рубалькаба. - Агар ёшлар террорчи гуруҳларнинг аъзолари бўлишса, улар шунча тез қамоққа олинади.

Интернет хабарлари асосида Гулноза РАСУЛОВА тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Троя хазинасининг эгаси

у афсонани ҳақиқатга айлантирган

Одамзот борки, аждодларининг кимлигини, наслнасабини, улар яратган бой маънавий қадриятлар, тарихий обидалар ва маданиятни билишни истайди. Мана неча асрлардан буён шу аснода тарихчи, археолог ва тадқиқотчи олимлар қадимги шаҳарларни ахтариб, турли халқларнинг маданияти ва тарихини ўрганишга ўз ҳаётини бахшида этиб келишмоқда. Ана шундай тадқиқотчи бўлган германиялик олим Генрих Шлиман (1822-1890) қадимги Троя шаҳрининг топилишига катта ҳисса қўшиши билан бирга ҳеч кимнинг хаёлига келмаган қадимги дунёни археология соҳасига тақдим этган.



Дарҳақиқат, қачонлардир Гелеспонт қирғоғининг жанубий қисмида ўзининг бойлиги ва буюклиги билан машҳур бўлган Троя шаҳри қад ростлайди. Унинг таърифию тафсифи асосан буюк шоир Гомернинг “Илиада” достонида баён этилган. Бу шаҳарни греклар ўз даврида “Илион” деб ҳам аташган экан. Шунинг учун, Гомер достонни “Илиада” деб номлаган. Троя шаҳри ва уруши ҳақида ҳеч қандай ёзма ҳужжат сақланиб қолмаган бўлсада, Троя уруши қаҳрамонлари ҳақида афсона ва қўшиқлар тўқилган. Кейинчалик машҳур шоир Гомер халқ қўшиқлари асосида яратган достони борабора дунё классик адабиётининг нодир намунасига айланди. Шундай бўлса-да достонда тилга олинган тарихий воқеаларни ҳеч ким ҳақиқат деб билмайди, аниқроғи XIX асргача билмас эди. Унинг афсона эмас, айни ҳақиқатлигига биргина Генрих Шлиман ишонади. Шлиман ёшлигида отасидан Троя афсонасини эшитган чоғидаёқ унинг қалбида қадимги Троянинг тарихига қизиқиш уйғонган. Кейинчалик Гомернинг “Илиада” достонини ўқиб, қадимги шаҳарни топишга аҳд қилади.

1868 йили Шлиман қўлида Гомернинг китоби билан Грецияга келади. Саёҳатининг бошидаёқ Микен ва Тиринф тепаликлари унда ниҳоятда катта таассурот қолдиради. У агар Микен ва Тиринф рост бўлса, демак Троя шаҳри ҳам ҳақиқатнинг ўзгинаси, дея уни ахтаришга тушади. Шлиманга “Илиада” достони йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. У Туркияга келганидан сўнг қадимги Геллеспонт қирғоғидан асарда ёзилган икки булоқни(бири иссиқ, бири совуқ) қидиради. У қазишма ишлари давомида Бунарбоши тепалигидан иккита эмас, 34 та булоқни топади. Афсуски, бу Троя шаҳри эмаслигига амин бўлган Шлиман тадқиқотни яна давом эттириб, 40 метрлик баландликда жойлашган Гиссарлик (“қаср”) тепалигига етиб келади. Шлиманнинг ёзишича, бу тепалик 233 метр квадрат майдонни эгаллаган бўлиб, унинг усти мармар плита билан қопланган бўлган. Тепаликдаги қадимги девор ва биноларнинг қолдиқларини кўриб, у демак шу ерда қачонлардир Приамнинг салтанати бўлган, деган хулосага келади.

1870 йили қазишма ишларини давом эттирган Шлиман унинг зиммасида катта масъулият ва машаққатли меҳнат турганини англайди. Чунки, Гиссарлик тепалиги ўзида 50 га яқин ҳар хил даврнинг маданиятини жамлаган қатламлардан иборат эди. Қазишма давомида бу ердан эрамиздан аввалги III минг йилликларга оид санъат дурдоналаридан тортиб, эрамиздан аввалги 540 йилга тааллуқли бўлган турли қимматбаҳо буюмлар топилади. Шлиманнинг Приам салтанатига тезроқ етиб бориш илинжида бошқа маданият қатламларини бузиб кўчиришга мажбур бўлади. Ер қатламларини бирма-бир эҳтиётлаб кўчириш катта меҳнат, сабот ва сабр-тоқат талаб қиларди. Афсуски, Шлиманнинг шошмашошарлиги катта тарихий-илмий аҳамиятга эга бўлган ноёб санъатни, маданий меросни барбод қилади. Бу хатоси учун у ўзини умрининг охиригача кечиролмаган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Гиссарлик тепалигидан Троя шаҳрининг тўққизта даврга хос кўриниши топилган. Шундай қилиб, 1873 йил май ойида Шлиман ўзининг энг муҳим кашфиётига эришади. У Приам салтанатининг хазинасига дуч келади, аниқроғи у шундай деб ўйлайди. Бироқ, Шлиман вафотидан сўнг, мутахассислар томонидан хазина текширилганида у Приам салатанидан анча аввалги шоҳнинг қимматбаҳо хазинаси бўлиб чиққан.

Хазинада жами 8833 та тилла буюм— олтин хум, идиштовоқ, ханжар ва бир мунча тақинчоқлар бўлган. Шлиман шартнома бўйича топилманинг ярмини Туркия ҳукмдорига топшириши лозим эди. Лекин Генрих Шлиман бу ноёб хазинани турк султони эритиб юбориши мумкинлигидан хавфсираб, хазинанинг маълум бир қисминигина туркларга беради. У “Приам хазинасини” хуфёна йўл билан олтита ёғоч қутига жойлаб “Таксиархис” номли кемада Силос оролига жўнатади. Хазинанинг ҳақиқий эгасига айланган Шлиман Европанинг машҳур музейларида кўргазма ўтказади ва ниҳоят уни Берлиндаги музейга совға қилади.

1882 йили 7 февралда Берлиндаги Бадиий ижодиётлар музейида “Троянинг олтинлари” кўргазмаси тантанали равишда очилади. Кўргазманинг биринчи кунидаёқ император Вильгельм ва шаҳзода Фридрих музейга ташриф буюришади. Шлиман бу ютуғидан сўнг тўхтаб қолмай яна тадқиқотни давом эттириб, доимо музейни ноёб санъат асарлар билан тўлдириб туришга ҳаракат қилади. Бора-бора унинг топилмалари илм-фан учун бебаҳо бўлган дунёдаги энг бой коллекцияга айланади. Шлиманнинг вафотидан сўнг, унинг васиятига кўра Германия ҳукумати бу хазинага меросхўр бўлади. 1891 йилда Истанбулда сақланаётган Троя археологик топилмалари 58 та катта қутида Гамбургга жўнатилади. 1896 йилга қадар Шлиманнинг ҳамма топилмасининг сони 8455 тага етган.

Дарҳақиқат, Генрих Шлиманнинг бу меҳнати бесамар кетмади. Бутун умрини тарихга бахшида этгани, Троя шаҳрини афсона эмаслигига ишонгани боис, ўзининг машаққатли меҳнати эвазига “Троя хазинаси”га мушарраф бўлган. Ушбу топилмалар эса қадимги Троя халқининг маданияти, санъати ва тарихини янада кенгроқ ўрганилишига имкон яратди.

НИГОҲ

ИЗҲОР

Замонлар ўзгараяпти, дунёга янги авлодлар келмоқда, лекин беадад шукурки, инсоният яратувчанлик ва бунёдкорлик ишидан бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Олдда турган минг йилликда инсоният қандай мўъжизалар яратишини тасаввур қилишимиз мушкул. Чунки ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳам ақлни шоширади.

Асрор МЎМИН

Саккизинчи мўъжиза — Ватан



Инсон теран ақл-заковати ва меҳнаткаш қўллари билан яратилган космик аппаратлар биздан олис Ойда, Миррихда ва улардан узоқроқдаги сайёраларда тадқиқотларни амалга ошираяпти. Тўғри, космик аппаратлар орқали олинаётган маълумотлар Ойда, Миррихда инсон Ердагидай яшаши учун муҳит йўқлигини тасдиқлаяпти. Бироқ олимлар Ойда ҳам, Миррихда ҳам худди қадим Бобилдаги сингари жаннатмонанд ойнаванд боғлар яратиш мумкин, деган илмий фаразни илгари суришяпти.

Тош азалдан инсоният учун мўъжиза яратишига битмас-туганмас манба вазифасини ўтаб келган. Фикримизни Ал-Батри, Мачу-Пикчу, Стоунхенж каби тош шаҳарлар, юртимиздаги Сармишсой расмлари ҳам тасдиқлайди. Аммо ҳеч ким инсониятнинг тошдан яратган асарларининг барчаси фанга маълум деб айта олмайди. Ҳозирги кунда ҳам Ер юзида янги-янги Тош шаҳарлар топилаяпти. Шубҳасиз, инсоният келажакда тошдан қандай санъат асарлари яратиши тасаввуримизга ҳам сиғмайди.

Йиллар ўтгани сайин инсоният оламнинг асосий унсурларидан бири бўлган сувга тобора кириб бораяпти. Ҳозирданоқ сувости қасри қурилаётгани тўғрисидаги хабар ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Эҳтимол, юз йиллардан кейин Тинч океани остида шаҳар бунёд қилинар! Чунки, кореяликлар аллақачон сувдаги шаҳар Венеция аҳлини лол қолдириш мақсадида Сеул яқинида ярми сувда жойлашадиган Нью-Сондо шаҳри қурилишини бошлаб юборишди. Сув устидаги муҳташам кўприкларни айтмайсизми? Германия ва Дания мамлакатларини боғловчи узунлиги 20 км. лик кўприк қуриш режалаштирилди.

Албатта, инсоният қандай улуғвор ишларни амалга оширмасин муқаддас Аёл, боқий Ишқ олдида бош эгиб ҳашаматли Севги саройларини бунёд этаверади. Қадимий Артемида ибодатхонаси, Тожмаҳал каби иншоотлар бунинг ёрқин исботидир. Ишончим комил, қачонлардир бу борадаги яратувчанлик ишлари ўзининг юксак поғонасига кўтарилади. Табиатнинг энг бебаҳо тоши олмосдан Севги саройи қурилади. Зеро, коинот гултожи бўлган инсон қалбининг бебаҳо неъмати — Муҳаббатга шундай қаср муносибдир.

Шуни фахр-ифтихор билан таъкидлашимиз лозим, қутлуғ заминимизда яратилган, закий юртдошларимиз томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари жаҳон аҳлини ҳайратга солган ва шундай бўлиб қолаверади. Тўрткўл шаҳри яқинидаги зардўштийларнинг қадимий Қўйқирилган қалъаси дунёдаги ягона доира шаклидаги архитектура иншооти ҳисобланади. Аҳмад ал-Фарғоний Мисрда бунёд қилган Нилометр XI аср давомида узлуксиз ва бехато ишлаб турибди. Дунёдаги ҳеч бир сув ўлчагич ёки бошқа иншоот бундай узоқ вақт ишламаган. Мирзо Улуғбек бундан 600 йил илгари қурдирган расадхонада коинот ҳақида ҳозирги техника асри ривожланган даврдагидай аниқ маълумотлар олинган.

30 йил илгари Самарқандни илк бор томоша қилган машҳур болқор шоири Қайсин Қулиев ҳаяжонланиб шундай деган эди: "Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳизинда, Бибихоним масжиди каби санъат ва меъморчилик обидалари қайси мамлакатда бор? Мен Тожмаҳални, Қизил Фротни кўрганман, дунёдаги бошқа архитектура ёдгорликларини томоша қилганман, лекин Самарқанддаги обидалар ҳаммасидан зиёда". Агар машҳур шоир ҳаёт бўлса-ю, ҳозир Самарқанддаги таъмирланган, қайта тикланган ўша обидаларни яна кўрса, таърифлашга сўз топа олармиди?! Қайсин Қулиев Тошкентни ҳам яхши кўрарди. Ҳар гал Тошкентга келганида кўчаларини айланишдан завқ оларди. Агар шоир пойтахтимиз жамолини ҳозир кўрганида, шубҳасиз, янги "Ҳайрат" шеърини ёзган бўларди ва уни "Эвазига биздан сўрайди ҳайрат!" дея баланд пардаларда якунларди.

Ҳа, закий аждодларимизнинг муносиб вориси бўлган зукко авлодларимиз олдиндаги юз йилликда, минг йилликда қанчадан-қанча мўъжизалар яратишади. Буни биз ҳозир тасаввур ҳам қила олмаймиз. Лекин шу нарса аниқ, бу бунёдкорлик ишлари жаҳон аҳлини ҳайратга солади, улардан бири эса "Дунёнинг етти мўъжизаси" қаторидан ўрин эгаллайди.

Дарвоқе, инсоният ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда яна минг йиллардан кейин дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлайди. Унда биз ҳозир тасаввур ҳам қила олмайдиган мўъжизавий иншоотлар бўлади. Лекин ўша вақтда ҳам ҳар бир киши учун саккизинчи мўъжиза — Ватан бўлиб қолаверади. Ўша вақтда ҳам томирида ўзбек қони оққан ҳар бир инсон "Ўзбекистон менинг Ватаним", дея фахр-ифтихор қилади. Негаки, инсон учун ўзи туғилган, улғайган Ватандан азизроқ маскан ердагина эмас коинотда ҳам топилмайди.

Давом этаверар бу гўзал ҳаёт,
Ширин хаёлларим минг йилдан ўзар.
Бешак ўша вақтда яшаган авлод,
Етти мўъжизани янгидан тузар.

Унда бўлар Ернинг азиз эҳроми,
Ой ё Миррихдаги ойнавандли боғ.
Эъзозда тоштарош меъмор илҳоми,
Сув ости қасри ҳам топади ардоғ.

Қайдадир қурилган ажойиб шаҳар,
Ва олмос безакли Севги саройи.
Шубҳасиз, саноқда бўлар муқаррар,
Жонажон юртимнинг бирорта жойи.

Бироқ саккизинчи мўъжиза такрор,
Уни барча авлод бирдай олар тан.
Ҳатто камалакдан рангдор, жилвадор,
Ўша саккизинчи мўъжиза — Ватан!

Етти мўъжизани шарафласам ҳам,
Саккизинчи учун бахш қилдим жоним.
Бу дунёга келиб топган мўъжизам,
Омон бўл, обод бўл, Ўзбекистоним!

ЎГИТ

Ким ёмонлар жинсидандир, ул киши,
То қиёмат, бас, ёмонликдир иши.

* * *

Мавжи дарё боз дарёга равон,
Қай тарафдин келса, кетгай ул томон.

Жалолиддин РУМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Инсоннинг кўзойнак тақкан ҳолда чизилган илк сурати – машҳур итальян рассоми Томмазо Баризино мўйқаламига мансуб "Провансалиялик Гуго портрети"дир.

* * *

1755 йилда Португалия пойтахти Лиссабонда шунчалик кучли ер силкиниши рўй берганки, оқибатда 50 минг киши, яъни шаҳар аҳолисининг бешдан бир қисми ҳалок бўлган.

* * *

Порохни Европага араб сайёҳлари XIV аср ўрталарида олиб келишган. У пайдо бўлиши билан рицарлар даври тугади, чунки рицарларнинг темир совутлари милтиқ ўқидан сақлай олмасди.

* * *

Дунё бўйлаб футбол учрашувларида икки юз йигирмата юрак хуружи тутиб қолиши қайд этилган. Бу фақат стадионларнинг ўзида. Мазкур рўйхатга телевизор қаршисида ўтириб, юрагини чангаллаб қолганлар киритилмаган.

* * *

1964-68 йилларда Испания терма жамоасида футбол ўйнаган Хэсус Мануэль Девота эшкак эшиш бўйича иккита олимпиада олтин медалининг соҳиби эди. Худди ана шу терма жамоа ўйинчиси Меса Лусидо эса спортдан кетганидан сўнг, яъни 1969 йилда П.Чайковский мусиқаси бўйича Москвада ўтказилган танловда Барселона шаҳри оркестри сафида иштирок этган.

ТУРФА ОЛАМ

Чаққон қўл

Япониянинг Sqnse компанияси ҳамма ҳаракатни бажара оладиган "робот қўлни" ихтиро қилди.



Компания ходимларининг таъкидлашича, "робот қўл" поликарбонатдан ишланган бўлиб, унинг "териси" юмшоқ силикон билан қопланган. Роботнинг вазни 340 г. У ўзининг 22 та сунъий мушаклари ёрдамида бармоқларни бемалол эгиб, 20 га яқин ҳаракатни бажара олади. Sqnse компанияси мутахассислари ушбу робот ишлаб чиқариш корхоналарида ниҳоятда қўл келади ва бундан ташқари протез қўл ўрнида фойдаланишда ҳам асқотади, дея умид қилишмоқда.

Янги эскалатор

ETSELAT талабаси Иисус Санчес ногиронлар аравачисидан фойдаланадиган инсонларга қулай янги эскалатор лойиҳасини ишлаб чиқди.



Муаллиф, аравачалар учун бошқа эскалатор қуришнинг ҳожати йўқ, деб таъкидламоқда. Негаки, у яратган қурилмада бор йўғи бир тугма босиш билан оддий эскалатор махсус режимга ўтаркан. Бу режимда учта зина бирлашиб, битта яхлит зинапояни ҳосил қилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда бу эскалаторни масофадан бошқариш йўлини ҳам излашмоқда.

Қадимги най




Халқаро археологлар гуруҳи Германиянинг жанубий-ғарбий қисмидан найга ўхшаш мусиқа асбобини топишган.

Мутахассисларнинг фикрича, қадимги най тахминан 35 минг йиллик тарихга эга. Унинг узунлиги 21,8 см. диаметри эса 8 мм.ни ташкил этади. Олимлар найни узоқ йиллар мобайнида ўз кўриниши ва хусусиятини йўқотмаганининг боиси нимадалиги ҳақида музокаралар ўтказиб, тадқиқотни яна давом эттиришни маъқул кўришмоқда.

Ер шарида

ҳайвонларнинг тури янада кўпайди



Conservation International ташкилотининг олимлари Эквадорда ўрмон ҳайвонининг янги 14 та турини аниқлашган.

Олимларнинг таъкидлашича, ушбу кашф қилинган ҳайвонлар Нангарицанинг ҳали яхши ўрганилмаган тоғли ҳудудидан топилган. Улар орасидаги Nymphgus chancas номли бақа мутахассислар эътиборини ўзига тортган. Ажабланарлиси шундаки, бақанинг териси кўзга кўринмас тусга кира оларкан.

Алиакбар ХОНИМҚУЛОВ тайёрлади

МЎЪЖИЗА

Нурота чашмаси

Парда ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Чашма сўзи "кўз" деган маънони англатади. Нурота чашмасининг катталиги ва чиқаётган сув миқдорининг кўплиги билан тенги йўқ ҳисобланади. Унинг суви таркибидаги элементлар Фозғон ва Деҳибаланд чашмаларидан бошқа бирор бир чашма сувида учрамайди. Суви қишда илиқ, ёзда совуқлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Нурота чашмасида фақатгина Маринка (Шўрмохи) балиғи яшайди. Чашмага гўзаллик бағишловчи бу балиқлар қадимдан овланмаган. Бунинг сабабалари шуки, Маринка балиғи сувни тозалайди, қолаверса, унинг танасида заҳарли парда мавжуд.

Ҳозирги кунда Нуротага кўплаб сайёҳлар келади. Уларнинг аксарияти бу масканда яшаб ўтган авлиёларни зиёрат қилиш учун келса, қолганлари машҳур чашмани кўриш ва унинг шифобахш сувидан ичиб, дардларидан фориғ бўлиш мақсадида ташриф буюришади. Чунки чашма суви инсон вужудидаги кўплаб касалликларни даволаш хусусиятига эга. Бундан ташқари кейинги йилларда Нурота чашмасида содир бўлаётган мўъжизавий бир манзарани кўриш учун минглаб одамлар келишмоқда. Қуёш нури горизонтга кўтарилгач, чашма суви билан маълум бир бурчак остида кесишиб, сув юзасида турли рангларда товланадиган юлдузчаларни ҳосил қилади. Бунинг натижасида чашмадан атрофга нур таралаётгандек бўлади. Бу ҳолатни Фозғон чашмасида ҳам кўриш мумкин. Икки чашма орасидаги бу ўхшашлик сув таркибининг бирхиллиги билан боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айниқса сўнгги йилларда Нурота чашмаси атрофида бир қатор ободончилик ишлари амалга оширилди. Шу боис бу ерга келаётган зиёратчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги театр жамоалари айни кунларда 15 та болалар соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳида маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда.

Театр жамоалари

оромгоҳда болаларга хизмат кўрсатаяпти

Жумладан, Элликқалъа туманидаги "Бўстон" ашула ва рақс ансамбли ҳаваскор бадиий жамоасининг "Орол болалари" оромгоҳида ижро этган миллий қўшиқ ва рақс бўйича ўтказган кўрик-танлови барчага манзур бўлди. Бундан ташқари оромгоҳда спортнинг стол тенниси ва волейбол турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Тўрткўл тумани "Тарона" ва "Умид" вокал-чолғу халқ ансамбли "Лочин" оромгоҳида "Яйра болажон" концерт дастурини намойиш қилди. "Оромгоҳ-соғлом ҳаёт" номли спорт мусобақаси, "Шум боланинг саргузаштлари" каби кулгу кечаси болаларда ўзгача таассурот қолдирди.

Истироҳат боғлари раҳбарлари

Самарқандда кенгашдилар

Самарқанд шаҳрида мамлакамиздаги маданият ва истироҳат боғлари раҳбарлари кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Худоёр Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, халқимизнинг тинчлиги, кўтаринки кайфият билан фаолият юритишида маданият ва истироҳат боғларидаги тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. Тадбирда республикамиздаги боғларнинг бугунги кундаги аҳволини ўрганиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, ёшларда Ватанга меҳр, юртга садоқат туйғуларини тарбиялаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари Эргаш Ўринов, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси раҳбари И.Латипов, Янгийўл шаҳри ҳокими ўринбосари Қундуз Риқситиллаева, шоир Ашурали Боймуродов иштирок этди. Семинар қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтди.

Ҳусан БУРҲОНОВ,
Мухтасархон КАРИМОВА



VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-623, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Дилноза ҲАЙИТОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 19.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9